Mustaqil gazeta

HURRIYAT

31-yanvar - 6-fevral 2001-YIL

5 (209)-son

HAFTANING CHORSHANBA KUNI CHIQADI

1996 yil dekabrdan chop etila boshlagan

Шавкат АКРОМОВ фотоси

Муносабат

Янгиланаётган ёшлар ижтимоий ҳаракати ва умуман ёшларга доир айрим мулоҳазалар

ЁШЛАР КАМОЛОТИ — ВАТАН КАМОЛИ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқини, унда белгиланган аниқ режа ва йўл-йўриқларни ёш авлод тарбияси ҳамда унинг камолоти йўлида узоқни кўзлаб пухта тайёрланган дастурга ўхшатиш мумкин. Бу дастурнинг амалий ижросидаги муваффақият биринчи навбатда камолотчиларнинг ўзига, қолаверса, сизу бизга, барчамизга боғлиқ. Чунки Президент нутқида "Камолот"нинг вазифаларидан тортиб, то уни молиявий таъминлаш манбаларигача аниқ кўрсатилди, қолган ишлар йўриғини ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

Ёш кадрлар мониторингини ташкил этиш таклифи, яъни "Камолот" ҳаракати олдига ёш кадрлар билан ишлаш борасида катта вазифалар қўйилаётгани ҳар жиҳатдан маъқул. Шундай қилиш керакки, ёшларни хизмат поғоналарига кўтаришда, лавозим нуқтаи назаридан ўстиришда ҳар қандай вазирлик ва идора, корхона, ташкилот ва муассаса, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юрти бу борадаги биринчи таклифни, фикр ва ташаббусни ўз жамоасидаги "Камолот" ҳаракати бошланғич ташкилотидан кутсин. Бу, мазкур ҳаракатнинг нуфузини ва айни чоғда масъулиятини оширишнинг яхши йўлидир.

Янгиланаётган "Камолот" ҳаракатининг молиявий манбалари фақат давлат ва таъсисчилар улушидан иборат бўлиб қолмай, балки ички ва хорижий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан ҳам шаклланиши мазкур ҳаракат олдида янада кенг уфқлар очади, асосий эътиборни тижорат билан шуғулланишга эмас, маънавий-маърифий масалаларга қаратишга имконият яратади.

Ғоявий, мафкуравий ғанимларимиз ўз қора ниятларига эришиш йўлида маблағни сира аяшмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода "Камолот"га аъзо бўлиб кирадиган ёшларнинг ҳаётий манфаатларини пухта ўйлаш, уларга амалий ёрдам бериш, бошига турли синовлар тушган, моддий-маънавий мададга муҳтожлик сезган пайтларида қўллаб-қувватлаш борасида қўйилаётган талаб ҳам ўта ҳаётий заруратдир.

Ёшлар орасидаги табиий етакчиларнинг куч ва қобилиятидан тўғри фойдаланиш, ёшларни касб-ҳунарга ўз вақтида йўналтириб, ишсизлик муаммосини ечиш, ёш оилаларга ёрдам бериш ва шу мақсадда "Ёш оила" дастурини ишлаб чиқиш вазифалари, ўйлайманки, "Камолот" ҳаракати учун жуда шарафли ва айни чоғда масъулиятлидир.

Бундай ҳаракат, Юртбошимиз нутқида кўрсатиб ўтилганидек, ёшлар ҳаётини яхши биладиган, улар қалбига йўл топа оладиган, ўз ҳаётий тажрибаси ва обрў-эътибори билан юртимизда танилган, айни пайтда, янгича фикрлай оладиган сиёсатчилар, иқтисодчилар, маънавий-маърифий соҳанинг етакчи намояндаларидан иборат Маслаҳат кенгаши ҳам "Камолот" учун ҳақиқий кўмакдошга айланиши тайиндир.

Ёш авлодни тарбиялаш, уни дунёдаги ҳеч бир давлат, ҳеч бир миллат вакилидан кам қилмай ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ҳақида сўз борар экан, умуман, кадрларни жой-жойига қўйиш, яъни, уларни танлаш, лавозимга тайинлаш ёки сайлашга дахлдор яна бир мулоҳазани ўртага ташлаш лозим. Маълумки, бизда камдан-кам давлатда бўладиган, ҳар қанча фахрланса арзийдиган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримиз бор. Назаримда, бу муҳим ҳужжатнинг мантиқий давоми сифатида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг муайян бир тизими, аниқ тартиботлари, қоида ва усуллари ифодаланган ҳужжатга эҳтиёж борга ўхшайди. Мана шундай ҳужжатни "Кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш (сайлаш) механизми тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси тарзида тайёрлаб, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш мумкиндир. Шунингдек, мазкур Қонунга мувофиқ вазирлик ва идоралар, корхона, ташкилот ва муассасаларда, оддий ишлаб чиқариш цехлари ва бўлимларида — қуйидан юқоригача барча поғоналарда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, яъни лавозимга мукобиллик йўли билан демократик усулда сайлаш, тайинлаш, кўтариш йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари Низом тарзида ишлаб чиқилиб тасдиқланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳими, "Камолот" барча ёшларни "Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир" муқаддас ғояси асосида бирлаштира олиши улуғ ният, улуғ мақсаддир. Шуни айтиш керакки, зиммасига ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлишдек катта масъулият юклатилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати учун барча вазифалар аниқ белгиланди, энди ташкилий ишларни ниҳоясига етказиб, бу ёғига ишлаш керак. Зеро, Юртбошимиз вазифа қилиб қўйганларидек, фарзандининг бахту иқболини ўйлайдиган ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, бу ишдан четда қолмаслиги даркор.

Олимжон НАЗАР,
журналист

ММММда

ОЧИҚ МУЛОҚОТ БЎЛДИ

2001 йил 10 январь ойигача бўлган ҳолатга кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва жойлардаги рўйхатга олиш идоралари томонидан жами 719 та оммавий ахборот воситалари давлат реестрига киритилди. Жумладан:

507 газета,
157 журнал,
4 ахборот агентлиги,
51 телерадиостудия

рўйхатдан ўтказилди. Ўзбекистон мустақиллиги эълон этилгунга қадар республикамизда 300 га яқин газета, 60 журнал, 1 та ахборот агентлиги бор эди, холос.

Мазкур рақамлар ўтган ҳафта Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида тарқатилди. Ўша куни ММММга Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов ташриф буюрди.

Тўғриси, бу тадбирни кўпчилик журналистлар кўпдан бери кутишаётган эди. Ҳамкасбларимиз ўзларида йиғилиб қолган кўплаб саволларга ойдинлик киритиш учун бевосита соҳамизнинг дарға маҳкамаси – Матбуотқўм раҳбари билан юзма-юз мулоқот уюштирилишини орзу қилишаётган эди.

Анжуман кутилгандек бўлди, яъни марказга йиғилган маҳаллий ва хорижий ахборот воситалари мухбирлари вазир жанобларига истаганча савол ёғдиришди, ҳатто, сўз эркинлиги ва демократияга дахлдор «шепетильний» саволлардан ҳам қайтишмади. Таъкидлаш зарурки, Вазир берилган саволларнинг бирортасини ҳам жавобсиз қолдирмади, ҳам қўмита раиси, ҳам тажрибали газетачи-журналист сифатида "қалтис" саволларнинг таг-замини пучлигини тушунтириб ўтди. Анжуманда Республика журналистларининг бошини қовуштирадиган, уларни ижодий сафарбар этишга қодир бўлган ижодий уюшма зарурлиги сезилаётгани ҳақида ҳам гап кўзғади. Бу таклиф қатнашчилар томонидан маъқулланди.

МУХБИРИМИЗ

Учрашув

ИККИ ЖАМҒАРМА ҲАМКОРЛИГИ

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига ташриф буюрган Очиқ Жамият Институти кўмак жамғармаси - Ўзбекистон бўлими ижрочи директори Ален Делетроз билан суҳбатдан аён бўлдики, жаноблари юртимиз оммавий ахборот воситалари фаолияти билан яқиндан таниш, чунончи у киши газета-журналларнинг кўплигидан, бу борадаги ижодий, молиявий, кадрларга дахлдор кам-кўстлардан хабардор.

Бу каби камчиликларга барҳам беришнинг синалган чораларидан бири эса журналистларнинг ҳамкорлиги! Журналист учун ҳамкорлик, фикр алмашиш, ахборот оқимидан баҳрамандлик, қиёсий журналистика билан шуғулланиш мислсиз аҳамиятга эга. Икки жамғарма раҳбарлари айни шу хусусда, яъни ҳамкорликда тадбирлар уюштиришга келишиб олинди.

Хуршида АБДУҚАЮМОВА

Тақдимот

ЎКТАМ АКАНИНГ ТЎРТ КИТОБИ

Биласиз, журналист халқини бирор мажлисда ёхуд анжуманда мажбуран олиб ўтириш тажрибада синалмаган. Айни пайтда бу халқни ўзига ёққан, қизиқарли анжумандан ҳайдаб чиқаришнинг имконияти ҳам топилмаган. Демак, ижодкор дегани ғирт қайсар, инжиқ ва ҳоказо.

Миллий матбуот марказида ажойиб шифокор, дендролог-...ксапатолог Ўктам Муҳаммад Муроднинг тўртала китобининг тақдимоти бирратўла бўлиб ўтди. Анжуманга йиғилганлар бири-биридан қизиқарли, текин тарқатилган "Гўшангага ёруғ йўл", "Никоҳнинг биринчи кечаси", "Эркакнинг иккинчи юраги", "Зино исканжасида" китобчаларини қўлтиққа қистиришганча курсиларга ўтириб олишди. Шундан сўнг гўшанга-ю никоҳнинг биринчи кечаси, яна ҳоказолар хусусида баҳслар қизиб кетди. Ижодкорлар бу каби интим муносабатларга ниҳоятда нозик, ижодий ёндашиш лозимлигини таъкидласалар, шифокорлар бунинг илмий, жисмоний, руҳий ҳолатлари юзасидан мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуманда қатнашган журналисту ижодкорлар энди бу каби учрашувларни тез-тез ташкил этиб туришни келишиб олдилар. Кимдир: "Ҳали бу йиғилганлар Ўктам дўхтирнинг шахсий мижозлари" деб юборди. ММММ раиси эса кейинги учрашувларда залга журналистларнинг сиғмай қолишидан хавотирда эканини яширмади.

ММММдан мухбиримиз 1-бет учун махсус тайёрлади.

Туйғу

ҚОРИНГНИ БЕР, ҚИШ!

Ана-мана дегунча қиш фаслининг ҳам ярми ўтай деб қолди. Лекин у хасислик қилиб, қорини ҳамон бермаётир. Булутдан, шамолдан, қуёшдан ўрнак олса бўлмайдими қиш? Ахир булут ёмғирини ташлаб туради. Шамол ҳам яланғоч дарахт шох-шаббаларини тебратганча борлигини билдиради. Энг саховатлиси қуёш. У кўкда қулиб чарақлаганча баҳорни олиб келмоққа шай.

Ширинтой сингилларим мени ҳадеб сўроққа тутаверишади.

— Опажон, қиш фаслида кўпала қор ёғиши, биз қорбобо ясаб, қорбўрон ўйнашимиз керак-ку! Анави омборхонада турган чанада ҳам ҳеч учолмаяпмиз. Қани қор?

— Қор ёғади, — дедим бир куни уларнинг кўнглини кўтариш мақсадида. — Фақат ичларингда "Илоҳим, қор ёғсин, илоҳим, қор ёғсин" дея такрорлаб ухланглар.

Ҳали тонг ёришмаган эди. Ойим ётоғимизга кириб, сингилларимни уйғота бошлади.

— Қани, ширин қизлар, туринглар. Ана сизларга қор!

Сингилларим чуғурлашганча пардани суриб, деразага ёпишишди. Уларнинг қувончи терисига сиғмай, мен билан баҳам кўрмоқчи бўлишди.

— Опажон, келинг, сиз ҳам қаранг! Бу қорни биз ёғдирдик. Бу — бизнинг қоримиз!

Ажойиб манзара! Кўкдан ёғилаётган сон-саноқсиз оппоқ капалаклардан кўз узгинг келмайди.

Сингилларим кийина бошлашди.

— Қаёққа?

— Қорбўрон ўйнашга, — дейишди улар. Муҳайёни, Нилуфар дугоналаримизни ҳам чақирамиз. Қорбобо ясаймиз. Бугун мазза қилиб қор ўйнаймиз. Энди чанада учирасиз-а, опажон?

— Оббо, каллаи саҳардан-а?

Сингилларимга ҳавасим келди. Уларнинг қалби ташқаридаги қордек оппоқ ва покиза. Бинобарин, бу беғуборлик менинг ҳам қалбимга кўчганди. "Уларни чанада учиришим керак". Кундалик жадвалимга ҳар кунгидан ўзгачароқ, янги бир ажойиб режани амалга оширишни ўйлар эканман, ўзимда йўқ шод эдим.

Севара НОРБЎТАЕВА,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Ҳ.Олимжон номли 3-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Танқид

ҚОНУННИНГ КУЧИ ҚАЙДА?

Ёхуд юмшатиш белгиси муаммоси

Орфография, яъни имло (ёзув) қонун-қоидалари тил тараққиётининг маълум босқичини назарда тутиб тузилади. Тил ва тил ҳақидаги фан ривожланиши билан имло қоидалари ҳам шунга мос равишда такомиллашиб бораверади.

Ҳозирда амалда бўлган имло қоидалари 2005 йилгача қўлланади. Янги лотин-ўзбек ёзувига 2005 йил 1 сентябрдан тўлиқ ўтилади. Унгача амалдаги имло қоидалари қўлланмоғи шарт. Чунки амалдаги имло қоидалари тўғри назарий асосларга эга ва шунга таянган ҳолда саводхонлик учун курашда ишончли қўлланма вазифасини бажармоқда.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзув нормалари Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган "Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари"га таянади. Унга унли ва ундошлар имлоси, айириш (Ъ) ва юмшатиш (Ь) белгилари имлоси, ўзак, негиз, қўшимчалар ва ҳоказоларни ёзиш тартибини кўрсатиб берувчи 72 параграфдан иборат қоидалар киритилган. Бу қоидалар ҳозиргача амалда бўлиб, имловий нормаларни тартибга солишга, мукаммаллаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Лекин шунга қарамай, баъзи газеталарнинг ходимлари ёзув қоидаларининг айрим параграфларининг бажарилишида хатога йўл қўймоқдалар. Жумладан, ой номларининг берилишида юмшатиш (Ь) белгиси туширилиб қўлланмоқда. Масалан, "Қишлоқ ҳаёти", "Ишонч", "Миллий тикланиш", "Халқ сўзи", "Фидокор" газетасида декабрь ўрнига декабр ёзиляпти. "Маҳалла" газетасининг 2000 йил 6 декабрь сонида шапка остидаги декабрь сўзида юмшатиш белгиси туширилиб қолдирилибди. Бунга қарши ўлароқ, "Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган" деган жумлада эса юмшатиш белгиси қўлланилган. Бу қанақаси? Бир газетанинг ўзида сўзларни турли-туман қилиб ёзавериш газетхонларнинг ғашига тегиши, ранжитиши билан бирга, ўқувчи-талабалар орасида турли иккиланишлар ва ишончсизликларни келтириб чиқармайдими? Ахир кўпгина ёшларимиз матбуотга, китобдаги ёзувларга ишонишади. Бу ўринда бошқа бир нарсаниям таъкидлаб ўтишни жоиз деб билдим. Компьютер баҳонаси билан айрим газеталар (ҳаммаси эмас, кўпгина газеталар хатосиз ёзишни ўрганиб олишди) бўғин кўчиришда кўплаб хатоларга йўл қўйишаяпти. Натижада жумла бузилишлари, услубий хатолар, хунук сўзлар ҳосил бўлмоқда.

Яна аввалги фикримизни давом эттирамиз. "Биттагина (Ь) белгини ёзмаса, ёзмабди-да, шунгаям ота гўри қозихонами?!" — дегувчилар ҳам топилади. Тўғри, (Ь) юмшатиш белгиси ёзилмаса, осмон узилиб ерга тушмайди. Бу белги ўзбек тили учун хос эмаслигини ҳамма билади. Бироқ декабрь сўзи ҳам ўзбекча эмас. Гап — Қонун устуворлиги ҳақида бораяпти. Оғизда Қонун устуворлиги тўғрисида гапирсак-да, амалда унинг тескарисини қилсак, маъқул бўлмас. Бугун хоҳлаган киши ўзи истаган бир ҳарфни ўзича олиб ташласа, эртага яна бошқа ҳарфни олиб ташламаслигига ким кафолат беради? Ёки хоҳлаган одам ўзи хоҳлаган ҳарфни олиб ёки қўшиб ёзаверса, унда Қонун нега керак? Шунинг учун Қонун яратилибдими, у ҳамма учун баробар. Уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. 2005 йил 1 сентябрдан бошлаб, насиб этса, янги лотин-ўзбек ёзувига тўлиқ ўтамиз. Ана ўшанда (Ь) белгиси ўз-ўзидан қўлланмайди, ёзувда юмшатиш белгисидан фойдаланмаймиз. Шу ўринда яна бир гап. Лотин ёзувига асосланган (алифбо) имло қоидаларига кўра, йил ва ойни билдирувчи тартиб сонлардан кейин (араб рақами билан бўлса) чизиқча қўйилади: 2001-йил, 1-январь эмас, 2001-yil, 1-yanvar каби ёзилади. Лотин ёзувида ана шу қоидага ҳам риоя этилиши зарур. Агар тартиб сонлар рим рақами билан берилса, унда чизиқча қўйилмайди: XXI asr, V sinf каби. Шундай экан, Қонунда кўрсатилганини амалда бажариш ҳар бир ўзбек фуқаросининг асосий бурчидир. Чунки имло қоидаларига риоя этиш, сўзларни тўғри ёзиш саводхонлигимизнинг асосидир.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси

Нашр

"ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ" ЯНГИ АСРДА

"Ўзбекистон матбуоти" ижтимоий-сиёсий журналининг 2001 йилдаги биринчи сони нашрдан чикди. Журналдан ўрин олган "Очиқ, аччиқ гаплар" рукнида берилган Насриддин Эшқуловнинг "Суратсиз газета жонсиз вужуд эмасми?" сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Мақолада бозор иқтисодиётига ўтиш, қоғоз муаммоси, маҳаллий газеталар ўз сарф-харажатларини қоплай олмаётганлиги сабабли туман газеталарида кадрларни қисқартириш ишлари олиб борилаётгани, бунга ҳаммадан аввал фотомухбирлар нишон бўлаётганлиги, натижада газеталар суратсиз чиқарилаётгани ҳақида фикр юритилади.

Журналда Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати, доцент Абдулҳамид Ҳабибуллаевнинг "Истиқлол даври журналистикаси", Нурислом Тўхлиевнинг "Энциклопедиямиз – бебаҳо хазина, маънавий ҳамроҳ" каби мақолалари ҳам чоп этилган.



Шунингдек, "Нурлы жол" газетасининг 10 йиллигига бағишланган "Дўстинг билан дилкаш бўл, қилар ишга қўлдош бўл" сарлавҳали мақолада ҳафтасига икки марта ўз ўқувчилари билан юз кўришаётган газета саҳифаларида Ўзбекистонда қозоқ миллатига мансуб кишиларнинг турмуши, ўй-мақсадлари ва интилишлари атрофлича ҳикоя қилиб борилаётгани айтилган.

Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган "Сўз санъатининг султони" сарлавҳали мақола шоирнинг "Мажолисун-нафоис" асарида сўзга, сўз санъатига, ижод ва ижод аҳлига муносабати, умуман, адабий-эстетик қарашлари билан маънавиятимизда ўчмас из қолдиргани ҳақида ҳикоя қилади.

Нусратулла Наимовнинг "Миллий матбуотимиз жонкуяри эди..." сарлавҳали мақоласида қатағон қурбони бўлган Бухорои шарифнинг биринчи журналистларидан Саид Аҳрорий ҳақида сўз боради.

Шунингдек, журналда "Бебаҳо меросимизни қайта кашф этдик", "Яхшилик унинг шиори бўлган", "Унга ҳавас қилса арзийди", "Чорак аср китоб палатасида" каби мақолалар ҳам чоп этилган.

Ўйлаймизки, "Ўзбекистон матбуоти"нинг кейинги сонлари ҳам ўз муштарийларига турфа хил қизиқарли мақолалар тақдим этади.

Нилуфар ПИРМАТОВА

Мулоҳаза

КЛИПНИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?

Шубҳасиз, телевидение айни вақтда тарбиячи эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак. Айниқса, ёшлар экран орқали жуда кўп нарсани ўрганадилар, кўп нарсадан ўрнак оладилар. Шундай экан, кийиниш, ўзини тута билиш, муомала маданияти каби баъзи бир нарсаларга алоҳида эътибор берилса яхшироқ бўларди.

Ҳозирги пайтда "мода"га айланиб бораётган бир нарса, яъни кўпчилик қўшиқчиларимиз ўз қўшиқларига клип ишлаш одатга айланиб боряпти десам янглишмайман. Бу албатта яхши, клип билан қўшиқ биргаликда янада чиройлироқ, ёқимли ва мухлислари қалбига чуқурроқ кириб боради. Клип, фикримча (яхши клип), қўшиқ савиясини оширади. Клипларнинг аксарият қисми ҳашаматли уй, чет эл машинаси ва гўзал қизлардан иборат бўлиб қолган. Баъзи қўшиқларимизга ишланган клипларни кўриб, хафа бўлиб кетади киши. Қўшиқ тинглаб завқ олсанг, клипдаги қизларнинг кийинишини, кийиниш маданиятини кўриб, энсанг қотади. Масалан, "Шаҳзод" гуруҳининг "Нозли гулим" қўшиғи ёки севимли санъаткоримиз М.Асалхўжаеванинг қўшиғига ишланган клипдаги санъаткор атрофида калта юбка, тор шим ва ярим яланғоч кийимларда хиром қилаётганларнинг кўпчилиги, афсуски... ўзбек қизлари.

Шу қўшиғу клипларимиз экран юзини кўришдан олдин ҳеч бир кўрикдан ўтмасмикин? Миллий қўшиқчилигимиз, миллий эстрада деймиз, қани бу ерда миллийлик? Бу ерда ким айбдор, клипларни суратга олаётган операторларми ёки қўшиқ куйлаётган ҳофизми?!

Телеэкран орқали томошабин билан мулоқот қилган одам нафақат кўриниши, тили, қўшиқлари, санъати, балки кийиниши, кийиниш маданияти, дид-фаросат бобида ҳам бошқаларга ўрнак бўла олиши керак деб ўйлайман.

Дилрабо ХУДОЙҚУЛОВА

ҲИКМАТ

Идеал йўлчи юлдуздир. Усиз аниқ йўлни топиш қийин, аниқ йўл бўлмаса — ҳаёт ҳам йўқ.

Л.ТОЛСТОЙ

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

ФЕЛЬЕТОНЧИНИ СУДГА БЕРДИЛАР

ШИКОЯТЛАР "ҲУРРИЯТ" ШАРҲЛОВЧИСИ ТАЛҚИНИДА

Мунозара

FM ЭШИТТИРИШЛАРИНИ ТИНГЛАБ...

"Ҳуррият"нинг 2000 йилдаги охирги сонида Санжар Содиқнинг қаламига мансуб "Эфирда FM" сарлавҳаси остида берилган хусусий FM радиолари ҳақидаги мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Аслини олганда, FMларнинг тили ва эфирга узатилаётган куй-қўшиқларга танқидий кўз билан қараш ниятим анчадан бери бор эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йўлда ҳам, уйда ҳам, ишда ҳам эшитиш мумкин бўлган ўта қисқа тўлқинлардаги радиоларда ўзбек тилидаги эшиттиришлар салмоғи унчалик кўп эмас. Кўпинча мавжуд бешта FMни эшитиб, ўзбекча қўшиқ жуда кам берилишидан хуноб бўламан. Бир вақтнинг ўзида бешала радиода ҳам ё инглизча ёки русча қўшиқ берилиши одатий ҳол ҳисобланади. Беихтиёр, аслида ундай бўлмагани ҳолда "бизнинг қўшиқчилик ва овоз ёзиш соҳамиз яхши ривожланмаган шекилли" деган фикр келади хаёлга. Буни қўйиб туринг, эфирга узатилаётган рекламаларнинг деярли 75-80 фоизи рус тилида берилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Эфирларни босиб кетган хорижий тиллардаги қўшиқлар миссионерлар томонидан текинга тақдим қилинмаётганмикан, деган ўй кўнгилни тиғлайди. Нега деганда, эфирга узатилган ҳар бир қўшиқ учун муаллифларга гонорар тўланиши керак. Бирорта радио бирон-бир хорижий ижрочига қалам ҳақи тўлагани ҳақида эшитганим йўқ, шунинг учун миссионерлар ҳақидаги фикримни баён қилаяпман. Назаримда, эшиттиришлар ҳомийлари маблағ ва совғаларини кўпроқ рус тилидаги дастурларга ажратаётгандек.

Матбуотда "ўзбекча қўшиқларнинг савияси паст" деган фикрлар кўп янграмоқда. Ёдингизда бўлса, 90-йилларнинг ўрталарига келиб ўзбек тилидаги замонавий қўшиқлар ўрнини хорижий тиллардаги қўшиқлар эгаллаб олган, кўпчилик ўзбек хонандалари ҳам бошқа тилларда қўшиқ куйлашга ўтиб олаётганди. Ўша даврда Президентимиз И.Каримов қўшиқчилик соҳасидаги камчиликларни очиб ташлаб, хонанда, шоир ва бастакорларни янгича ижод қилишга даъват қилган эди. Шундан кейин турли жанрларда ўзбек тилидаги қўшиқлар сони кўпая бошлади.

Менимча, енгил-елпи қўшиқларни ҳам, "ҳа-йўқ" ўйинини ҳам ҳадеб танқид қилавериш ярамайди, чунки жанрнинг ўзи шуни талаб қилади. Унинг устига, ўз мухлисига эга. Аслида, биз ўзбек классик қўшиқлари ва миллий созлар жўрлигида ижро этилган гўзал қўшиқларимизни умуман бир четга суриб қўйганлиги, ўзбек тилини тарғиб қилишга етарли эътибор бермаётганлиги, қайси давлат ҳудудида фаолият юритаётганини унутаётгани учун хусусий радиоларни аёвсиз танқид қилишимиз керак. "Сиз айтган қўшиқлар CDларга ёзилмаган, радиода эшиттиришга техник жиҳатдан имкон йўқ" деб баҳона қилишлари мумкин. Баҳонанинг ўрнига, керак бўлса FM радиоларнинг ўзлари ана шу асарларни компакт дискларга ёзиб олиб эшиттириш борасида ҳомийликни ўз қўлларига олишлари зарур. Ҳомийлар Шарқ мамлакатларидан чиқмоқда.

Ўтган йили Япония ҳукумати Ўзбекистон радиоси фондидаги куй ва қўшиқларни компакт дискларга кўчириш ишларини маблағ билан таъминлашни ўз зиммасига олгани ҳақида газетада кичик, аммо аҳамияти буюк хабар берилганди. Компакт дисклар юз йилгача ўз сифатини йўқотмайди, ҳолбуки магнит тасмасини маълум йилларда янгилаб туриш зарур эди. Японлар ўз маданиятини бизга тиқиштиришга уринишгани йўқ, миссионерлик қилишмади, балки миллий меросимизни сақлаб қолишга катта ёрдам беришди.

Радио дастурларни ўзбек тилида олиб борувчиларнинг айримлари тилимизни "йиғлатворяпти". Баъзан гапни бошлаб, охирини йўқотиб қўйишади, гаплар грамматик жиҳатдан тўғри тузилмайди. Ҳиндистон ўзбек тилида "Индия" деб аталишини, "спортчи" сўзининг ўрнига инглизча "спортсмен" калимаси ишлатилса замонавийроқ бўлишини яқинда "Гранд" радиоси спорт шарҳловчисидан эшитдим.

Санжар Содиқ рус тилида эшиттириш олиб борувчилар ҳақида илиқ фикрлар айтибди. Биз ўзбек ва рус тилидаги эшиттиришларни тинглайверамиз, бироқ пойтахтимизда туғилиб ўсган русийзабонлар ўзбекча эшиттиришларни деярли тинглашмайди. Реклама берувчилар эса анойи эмас, буни жуда яхши билишгани учун реклама ва эълонларини асосан рус тилида беришади. Табиийки, пулини олиб, буюртмани бажарувчилар дастурларни шунга қараб тузишади. Бироқ эшиттиришлар бир ёқлама бўлиб қолаётгани ҳақида ким қайғуради?

Биз — ўзбеклар кўпроқ байналмилалмиз, хорижий санъаткорлар келишса биринчи бўлиб билет сотиб олишга югурамиз. Хусусий радиолар қарсни икки қўлдан чиқаришга қаратилган эшиттиришлар тайёрлаши лозим.

Назаримда, хусусий радиолар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни асосида юритишади. Менимча, ТВ ва радионинг аҳамияти ҳамда ўзига хослигини назарга олган ҳолда "Телевидение ва радиоэшиттиришлар тўғрисида" алоҳида қонун яратилса мақсадга мувофиқ бўлади. ТВ ва радиолар қайси мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётгани ва кимнинг манфаатларига хизмат қилиши ҳамда давлат тилини тарғиб қилиш ҳақидаги моддалар яратилажак қонуннинг асосини ташкил қилиши керак.

Озодбек ДИЁР



Сабоқ

ШАРҚОНА ШЕВА

● Одамий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.
Алишер НАВОИЙ

● "Одамийлик қани? Дунёга ўт кетибдур".
Мирзо БЕДИЛ

● "Ўз-ўзини англаш — ўз нуқсонларини, айбу қусурини англаш демакдир".
Н.КОМИЛОВ

МАНҚУРТДА... ОДАМИЙЛИК?!

Шарқда, хусусан Марказий Осиёда одамийлик қадим-қадимлардан инсоннинг ўз юрти, элига муносабати, унинг озодлиги, мустақиллиги учун курашда кўрсатган саботи, садоқати, қаҳрамонликлари билан ўлчанган. Биз бугун узоқ аждодларимиз, улуғ саркардаларимиз Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангубердини, миллатимиз устунлари бўлмиш Амир Темурни, Бобурни ва ўз ҳаёти, фаолияти билан халқига хизмат қилган барча бобою бобокалонларимизни қалбимиз тўрида асраймиз, фарзандларимизни мана шу руҳда тарбиялаймиз, келажак авлодларимизга улар ҳақидаги барча маълумотларни етказишга ҳаракат қиламиз, зеро улар одамийликнинг юксак намуналарини кўрсатганлар. Биз улар тимсолида тарбияланганлар, яъни ёшларимиз ватанпарвар, жасур, тадбиркор, билимдон кишилар, она Ватаннинг мустаҳкам таянчлари бўлиб етишишларига умид қиламиз ва бунга ишонамиз.

Айниқса, бугун юртга садоқат, миллатга эътиқод одамийликнинг асосий мезонига, замоннинг долзарб масалаларидан бирига айланди, зеро, бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши қўяётган, мустақиллигимизни кўролмай, Президентимиз айтганларидек, унга ҳар томондан таҳдид солаётган кучлар пайдо бўлдики, улар бу қора ниятлари йўлида ёшларимизни "овлаб" уларнинг фикрларини чалғитаётирлар, йўлдан урааётирлар.

Энди бир савол қўяйлик. Ўз юртига, ўз уйига, ўз дўстига, қариндош-уруғлари бошига қурол кўтариб келганларни "одамий" деб-ку бўлмайди, бу аниқ, аммо уларга нисбатан "одам" сўзини ишлатиб бўлармикин?

Шу заминда кўзи очилган ва шу юртни ватан деб билган ҳар бир фуқаро элига хизмат қилади. Юрт бошига ташвиш тушса, ҳеч ким четда томошабин бўлиб турмайди. Шундай пайтларда қўлига қурол олиб она Ватан ҳимоясига отланганлар ватанпарварлик, одамийликнинг ҳақиқий намунасини кўрсатадилар.

Бунга ўтган йили Сурхондарё ва Тошкент тоғларида Ватанимиз учун жонларини фидо қилган жасур йигитларимиз ҳаёти яққол мисолдир.

Лекин шундай кишилар ҳам борки, уларда ватан бўлмайди, аниқроғи — уларнинг ватани қорнидир: бундай кишилар учун қаерда қорни тўйса, ўша ер ватан, ким бир бурда нон берса, ўша уларга қариндош-биродар. Чингиз Айтматовнинг "Бўронли бекат" романида бундай кимсаларнинг типик образи яратилган ва унга манқурт дея ном берилган. Бинобарин, манқуртнинг ватани унинг қорнида, нафсида, шундай бўлгач, манқуртда одамийлик нима қилсин?..

"ОММАВИЙ ГИПНОЗ"ДАН САҚЛАСИН!

Худбинлик — одамийликка зид тушунча. Биз кишилар тўғрисида фикр юритаётганда, аксарият ҳолларда уларнинг бизга бевосита ё билвосита келтирган зарари ё фойдасини ўйлаймиз. Бизга манфаати теккан бўлса, яхши деймиз, аммо бирор вақт манфаати тегмаган бўлса, ёмон деймиз.

Лекин камдан-кам кишилар муайян ҳолатда реал фикр юритадилар, зеро, улар шахсий манфаат нуқтаи назаридан эмас, одамийлик, ҳалоллик, бурчга садоқат ва бошқа инсоний-ахлоқий мезонларга таяниб фикр юритадилар. Ҳақиқат, эзгулик, тўғриликни ҳар қандай худбинликдан, шахсий манфаатдан устун қўймоқ, бу — асл, комил инсонларга хос сифатдир. Улар атрофимиздаги эврилишларни кўриб, "шунча ёшга кириб, иккиюзламачиликни ўрганолмадим, бу ёғига ҳам қўлимдан келмайди" (Ў.Ҳошимов), — дейдилар.

Одам қанчалик нодон бўлса, у шунча хурофотга, сўзлар сеҳрига, шаклларга маҳлиё бўлади, расм-русумга, ақидаларга берилувчан бўлади" (Н.Комилов).

Бу нарса фикримиз, ишимиз, тараққиётимизга халал бераётир: биз, халқимизнинг алмисоқдан қолган баъзи бир урф-одатларини танқид қилиш ўрнига, тўтиқушдек уларни мақтайверамиз, мақтайверамиз. Унинг билан ғурурланиб ҳам қўямиз. Мисол учун тўйларимизни олайлик. Имкониятимиз етса-етмаса бола-чақанинг ризқини қийиб катта-катта тўйлар ўтказамиз. Эртасига қарзни узиш учун ҳовлидаги биттаю битта сигирни бозорга олиб жўнаймиз, тўй бўлган болакайни сут-қатиқдан ҳам маҳрум қиламиз. Ёки бўлмаса, кўз ўнгимизда содир этилаётган ноқонуний ишларни кўриб туриб, ўзимизни кўрмасликка соламиз: яна уялмасдан мансабпарастлик, оғайнибозлик, маҳаллийчилик, порахўрлик, танбаллик каби зарарли томонларимизни "оқлаш" учун турли-туман "фатво"лар ўйлаб топамиз. Яккаяккка доно бўлгандан кўп билан девона бўлмоқни маъқул кўрамиз. Бирор иш юз берса, ҳаммага келган тўй, ҳамма нима бўлса, биз ҳам шу-да, деймиз, воқеа-ҳодисаларга аниқ муносабат билдиришдан ўзимизни четга оламиз.

Ахир фанда "оммавий гипноз" деган тушунча мавжуд-ку. Оломон (ҳамма, кўпчилик) ана шу гипнозга чалиниб, жарга қараб кетаётган бўлса-чи? Бундай фалокатдан худо асрасин.

Аччиқ гап эзгулик учун хизмат қиладиган бўлса, нега уни бўғзимизга ютиб юрамиз? Андишаданми бу ё кўркоқлигимизданми? Ёзувчимиз Эркин Аъзамовнинг "Жавоб" қиссаси қаҳрамони Элчиев ўзининг (кўпчилигимизнинг ҳам) мана шу ҳолати ҳақида бир ички алам билан ўйлайди: "Бир нарсага ақлим етмайди, Ҳайдар: нега сен кишининг кўзига бақрайиб ёлғон гапирасан-у, мен сира "ёлғон", деб айтолмайман! Ёлғон гапираётганингни, мен унга ишонмаётганимни ўзинг ҳам сезиб турасан, лекин гапиравераса, мен эса сўзларинг ёлғон эканлигини била туриб ҳам эътироз қилолмайман. Ўзаро мунофиқлик эмасми бу?"

Ё ИШ БИЛ, Ё ГАП...

Одамийлигимиз бизга ризқ-рўз бериб, рўзғор тебратишимиз учун етарли даражада имконият яратаётган, меҳнатимизга яраша ҳақ бераётган ишимиз, касбимизга жиддий, ҳалол, масъулият билан ёндашувимизда ҳам тўлиқ намоён бўлади. Инсоннинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унга бирор иш, вазифа бериб кўр, дейдилар-ку.

Аммо меҳнат фаолиятим давомида шундай кишиларга ҳам дуч келдимки, улар учун асосий мақсад — раҳбарларнинг кўзига яхши кўриниш, уларнинг назарига тушиш. Шу ниятда улар хўжайинларининг атрофида гирду капалак бўладилар. Асосий ишларига эса мутлақо вақт ажратмайдилар. Ишлари бошланмайди, бошланса ҳам охирига етказилмайди... Аммо қарабсизки, сув келтирган қолиб, кўза синдирган азиз, раҳбариятнинг ҳурматэътиборида. Ким яхши ишлайди, дейилса, биринчи ўринда ўшаларнинг исму шарифлари тилга олинади.

Буниси ҳам майли-ку-я, ўз меҳнат бурчини сидқидилдан бажариб, ризқини ҳалол топиб юрганлар устидан ўша хушомадгўйлар иғво ҳам қиладилар. Шуниси ачинарлики, кўзини ғафлат, ғофиллик пардаси тутган баъзи бир раҳбарлар мана шу иғвога ўчадилар ҳам. Бу ҳолат эса ўз навбатида катта "томоша"ларни келтириб чиқаради.

Бундай хушомадгўйлар юқорида келтирилган иборани мутлақо нотўғри тушунган ҳолда ҳаракат қиладилар: "гап бил" деганда халқимиз савоб ишларни бажаришга ҳидоят этадиган гапларни назарда тутади, асло фиску фасодни, кўзбўямачиликни эмас!..

Яна бир ачинарли ҳол — бир гуруҳ замондошларимиз учун "нотиқлик" асосий "касб"га айланиб қолди. Уларга минбарни бер-у, тингла, ҳар қандай муаммони ҳал қилиб ташлагудай, юз йиллардан буён бажаролмай хуноб бўлиб юрган ишларингни бир зумда бажариб қўядигандай! Хурсанд бўласан: "Хайрият-э, тушунадиганлар ҳам бор экан", — дейсан. Аммо минбардан тушган нотиқ мутлақо бошқа одамга айланиб қолади. Унга иш юзасидан борсанг, минг важ-карсон тайёр, "эртаиндини"нинг чеки бўлмайди. Ҳоҳласанг — кўник, ҳоҳламасанг — бошингни тошга ур. У "нотиққа" шахсан фойдаси тегмайдиган бўлса, шунча вақт тураверади. Унинг учун барибир. Шундай пайтда Бедилнинг "Одамийлик қани?" деган саволини такрорлагинг келади.

Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрлари мана шундай кишиларга бағишланган бўлса керак:

Чинор бўлсанг, улар
кемирувчи қурт,
Темир бўлсанг, улар
емирувчи занг.
Эй тангрим, эл унмас,
қад кўтармас юрт,
Кичик катталарга
инсоф бермасанг...

Бозор Илёс АЛ-АМИН

(Боши ўтган сонда)

(Давоми келгуси сонда)

Иддао

АФАНДИНИНГ ДОРИСИ

Ёки нима сабабдан шоир Мунис вазир жанобларининг илтифотини рад этган?

ТАҲРИРИЯТДАН: Синчков газетхонлардан бири "Ҳуррият"да ўткир мақолалари билан қатнашаётган Зуҳриддин Исомиддинов нега кўринмай қолди деб қўнгироқ қилди. Дарҳақиқат, ўтган йилнинг фаол муаллифларимиздан бири З.Исомиддинов бу йил ҳисобидан ҳали ҳеч нимарса ёзиб бермадилар. Боиси, у киши Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси директори вазифасида иш бошладилар. Бундан биз "Ҳуррият"чиларнинг бошимиз осмонга етди, илоҳим, муаллифларимизни ҳеч кимдан кам қилмасин. Фақат, масъулиятли ва шарафли мартабаларга эришилган ҳолатда ҳам бизнинг садоқатли муаллифимиз эканликларини, кўп сонли мухлислар улардан янги-янги мақолалар кутишини унутиб қўймасинлар.

Қуйидаги мақола муаллифдан ўтган йили, аниқроғи, ўтган асрда ундирилган...

"Шаҳривар ойи ўртасидан то меҳрмоҳ ойининг ўртасигача бўлган даврда экилган бу токка анбор берилади". Экилган қайси токка қачон(?) нима(?) берилади - топингу маза қилинг. Шаҳривар ё меҳрмоҳ деганлари қайси ой? Изоҳдан маълум бўлишича, шаҳривар асаднинг йигирма олтинчи санасидан бошланаркан, демак унинг ўртаси асаддан кейинги ой – сунбуланинг тўққизинчисига, яъни сунбула 21 августдан бошланса... хуллас, 30 августга тўғри келаркан... (Бошингиз айланиб кетмадими?).

Бундай китобларни чоп эттиришдан мақсад одамларга наф етказиш бўлса, чала эмас, бутун таржима қилиб – 30 августдан 29 сентябргача деб, жиллақуриса асаднинг 9-кунидан сунбуланинг 9-кунигача деб ёзиб қўяқолса бўлмасмиди? Наинки, 30 минг тираж билан оммавий нашр этилган китобни 30 та ҳам одам тўлиқ тушунмаса? "Анбор берилади" дегани... бор-йўғи ўғит солиш экан. Лоақал шуни оҳанжама қилмай жўнроқ битиб бўлмайдими?

Соҳибкор бўлиш осонмас. Ҳар бир экин ё дарахтнинг мингта кушандаси, зараркунандаси бор. Масалан, бодринг ё сабзи экдингизу, полизни ёввойи ўт босиб кетди. Шунда нима қиласиз? Марҳамат, давоси бор: ***"... тўрт бўлак сув тегмаган сопол топиб, уларнинг ҳар бирига шернинг бўйнидан бўғаётган одамнинг расмини солиб, ... ернинг тўрт жойига кўмиб қўйилса, зарарли гиёҳлар даф бўлади"***. Вассалом! Сиз эса, гербицид қидириб юрибсиз.

Буларни мисолга келтиришдан мақсадимиз нима? Гап ана шунда.

Юқорида биз сермаҳсул бир мутаржим, ҳурматли шарқшунос олимимиз Маҳмуд Ҳасаний тайёрлаган кўп китоблардан иккитаси - "Ҳакимлар ҳикмати" ва "Зироатнома" асарларидан бир-икки мисол келтирдик (бошқа кўплар тайёрлаган шу қабилдаги нашрларнинг савияси эса, танқид қилишга ҳам арзимайди). Айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, нашр этилаётган ҳар бир асар бугунги ўқувчига амалий ё маънавий жиҳатдан асқотсин, китобхоннинг ҳар бир соат вақтини тежаш, беҳуда ва хурофий гапларни нашр эттириб, китобдай табаррук нарсанинг обрўйини туширмаслик лозим. Ўтмишда шундақа гапларни ёзадиган анойи одамлар ҳам бўлганлигини кўрсатиш учун китоб чиқарадиган даврлар ўтиб кетди.

Иккинчидан. Таржима принципи ҳам муҳим масала. Тўғри, шеърий асар шеър билан ўгирилгани маъқул. Аммо бунда нозик бир жиҳат бор: нима учун илгари кўп илмий, тиббий асарлар назмда ёзилган? Гап фақат табибу уламоларда таъби назм бўлганидами? Йўқ. Боиси шуки, қадимда китоб ёзишдан кўра уни кўпайтириб тарқатиш мушкулроқ эди. Ҳар бир китобнинг ҳар бир нусхаси қўлда кўчириб ёзилган, демак ниҳоятда табаррук ва қиммат бўлган. Шунинг учун ҳам ахборот етказишнинг бошқа қулайроқ воситаси танланган - илмий ва тиббий ахборот, жумладан боягидай тиббий "рецепт"лар ёдлаб олинган. Ёд олиш учун назм қулайроқ экани эса, барчамизга белгили. Аммо ҳозир – китобни минглаб нусхада чиқариш мумкин бўлган бир даврда - ўшанақа илмий ахборотни назмга солиб ўтириш шартми? Бизнингча – йўқ. Ибн Сино ҳам, башарти бугунги кунда яшаганида, бошдан оёқ арузнинг ражаз бахрида битган машҳур "Уржуза" рисоласини насрда ёзган бўлар эди деб ўйлаймиз ва уни ўзбек тилига рисоладаги илмий тил билан ўгирган (???)ларнинг тутган йўли маъқул.

Бундай бир амаллаб, кучаниб "шеър"га солинган, бунинг устига боягидақа афсоналари туфайли, бундай асарларнинг наф келтириши гумон.

Аммо буям ҳолва экан.

Кони зиён қилишга нима деса бўлади?

Ўқувчиларнинг ёдида бўлса, бундан ўн-ўн беш йиллар илгари – Шўро тузумининг сўнгги вақтларида ошкоралик, ҳамма нарсани ўз оти билан аташ деган шиорлар чиққан эди. Шунинг далдасида бир талай зиёлиларимиз эски ўзбек ёзувини оммавий ўрганиш, болаларга ҳам чуқур ўргатиш сув билан ҳаводай зарурлигини, чунки ота-боболаримиз ўнлаб асрлардан бери яратиб келган сонсиз-саноқсиз асарларга қўл ҳам урилмай, Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди ва бошқа жуда кўп архивларда чанг босиб ётганини, уларнинг илмий-амалий, маънавий қиммати эса беқиёс эканлигини... ёзиб, бонг урар эдилар.

Мана, мустақиллик ҳам насиб бўлди, ўтмишни, жумладан қадимда битилган асарларни ўрганишга йўл ланг очилди, илгари "диний" деб, "хурофий" деб қораланган асарлар биринчи навбатда чоп этилиб, омма мулкига айлана бошлади. Қуръони карим, Ҳадиси шариф, фиқҳга, ислом арконларига оид талай табаррук китоблар она тилимизга таржима қилинди, босилиб чиқди. Оллоҳга шукрлар ва мазкур хизматларни адо этган уламоларимизга тасаннолар айтамиз – ўзбек халқининг минг йиллик тарихида ушалмаган бу кори хайрлар истиқлол туфайли бир неча йил ичидаёқ рўёбга чиқди.

Аммо шу билан бирга... юзлаб шундай китоблар ҳам таржима қилиниб, табдил этилиб босилиб чиқди(ва чиқаётибди)ки, уларни кўриб, қадимда ўтган муаллифларнинг ҳаммаси ҳам мутафаккир бўлмаган экан, битган асарларининг бари ҳикмат эмас экан, деб имон келтирасан, киши. Аслида, уларнинг аксарияти тор доирани кўзлаб ёзилган, орадан неча юзлаб йил ўтгач, атиги бир-икки дона китобат қилинган асари неча минг нусхада кўпайтириб пулланиши муаллифларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Эски ёзувга тиши ўтадиган баъзи мулла акаларимиз одамларни тақвога, одоб-ахлоққа, ҳаё-андишага даъват этиши мумкин бўлган асарлар ўрнига, ўқиган ёшларнинг қонини суйилтириб, ҳулқини бузадиган, миллий маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган бугунги ишларга моҳиятан хизмат қилмайдиган, аммо "қизиқ" асарларни ана ўша қўлёзмалар орасидан қидириб топиб, ўгириб, ё имлосини ўзгартиб ўқувчиларга пешкаш тутишаяпти. "Хотинлар лаззати" ("Лаззатун нисвон"), "Висол лаззати", "Ҳавос ул-ашё" каби бир қатор китоблар чоп этилди, аммо фикримни исботлаш учун уларнинг ичидаги гаплардан бирон-бир мисол келтиришга газетхонлардан шарм қиламан.

"Лаззатун нисвон"... Бундан икки юз йилча илгари Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг бош вазири Юсуф меҳтар деган киши машҳур шоир Мунисга шу асарни ўзбек тилига ўгиришни буюради, эвазига хийла маблағ ваъда қилади. Аммо Мунис фаҳш тасвирлардан ор қилиб, бу ишдан бош тортади. Аслида ҳар бир маънавияти юксак, имони бутун ва инсофли одам шундай қилган бўларди! Чунки "Лаззатун нисвон"... порнографик асар бўлиб, бошдан-оёқ сексуал алоқа ва ахлоқий бузуқлик ҳақида ҳикоя этади. Мунисдай улуғ ғоялар, инсоний туйғулар қуйчисига бу асарнинг ёқмаслиги табиий эди. Мунис изидан борган Огаҳий, Саноий, Муҳаммадниёз Урганжий, Комил Хоразмийлар ҳам таржима учун асар танлашда илғор позицияда мустаҳкам турганлар, гуманистик ғояларга бой халқчил асарларни танлаб таржима қилиб, ўз истеъдодларини кишилар онги ва маънавиётини ўстиришга сарфлаш учун курашганлар" (Проф. Нажмиддин Комилов. "Бу қадимий санъат..." китобида). Аттанг, дейсан киши, "Хотинлар лаззати" ва шу каби асарларни ўгиришга ишқивоз мутаржимларимиз ўша замонда яшаган бўлишганида, бояги вазирнинг иньомини олишар, яна ким билади, шаҳват ва шақоватга мойилликлари эътиборга олинса, нозик маҳрамлари қаторига ҳам қўшилиб қолишармиди...

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради деганларидай, "Туркистон" газетасияти тор доирани кўзлаб ёзилган, орадан неча юзлаб йил ўтгач, атиги бир-икки дона китобат қилинган асари неча минг нусхада кўпайтириб пулланиши муаллифларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Эски ёзувга тиши ўтадиган баъзи мулла акаларимиз одамларни тақвога, одоб-ахлоққа, ҳаё-андишага даъват этиши мумкин бўлган асарлар ўрнига, ўқиган ёшларнинг қонини суйилтириб, ҳулқини бузадиган, миллий маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган бугунги ишларга моҳиятан хизмат қилмайдиган, аммо "қизиқ" асарларни ана ўша қўлёзмалар орасидан қидириб топиб, ўгириб, ё имлосини ўзгартиб ўқувчиларга пешкаш тутишаяпти. "Хотинлар лаззати" ("Лаззатун нисвон"), "Висол лаззати", "Ҳавос ул-ашё" каби бир қатор китоблар чоп этилди, аммо фикримни исботлаш учун уларнинг ичидаги гаплардан бирон-бир мисол келтиришга газетхонлардан шарм қиламан.

"Лаззатун нисвон"... Бундан икки юз йилча илгари Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг бош вазири Юсуф меҳтар деган киши машҳур шоир Мунисга шу асарни ўзбек тилига ўгиришни буюради, эвазига хийла маблағ ваъда қилади. Аммо Мунис фаҳш тасвирлардан ор қилиб, бу ишдан бош тортади. Аслида ҳар бир маънавияти юксак, имони бутун ва инсофли одам шундай қилган бўларди! Чунки "Лаззатун нисвон"... порнографик асар бўлиб, бошдан-оёқ сексуал алоқа ва ахлоқий бузуқлик ҳақида ҳикоя этади. Мунисдай улуғ ғоялар, инсоний туйғулар қуйчисига бу асарнинг ёқмаслиги табиий эди. Мунис изидан борган Огаҳий, Саноий, Муҳаммадниёз Урганжий, Комил Хоразмийлар ҳам таржима учун асар танлашда илғор позиция

GLOBUS international life

Мушоҳада

ЎЗБЕК ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКАСИ

Кеча. Бугун. Эртага

Ўзбек халқаро журналистикасининг кечаги куни, яъни мамлакатимиз мустақилликка эришгунига қадар бўлган даври хусусида бирон-бир жўяли фикр айтиш мушкул. Умуман олганда, қизил империя салтанати даврида ўзбек халқаро журналистикасининг ўзи йўқ эди, деб айтсак тўғри бўлади. Чунки собиқ иттифоқ даврида бу соҳа тўлалигича "марказ" журналистлари "маҳри"да эди. Ўзбекистондаги журналистлар тайёрланадиган илм даргоҳида эса, асосан, рус журналистикаси тарихию дунё коммунистик матбуоти тарихи ёки шунга ўхшаш фанлардан сабоқ бериларди...

Ўзбек халқаро журналистикаси истиқлолга эришганимиздан кейингина дунё юзини кўрди. Миллий халқаро журналистикамиз ҳам кўпгина соҳаларимиз сингари Мустақиллик тенгдошидир, десак, бу — айни ҳақиқатдир. 1991 йилнинг 1 сентябридан бошлаб оммавий ахборот воситаларимизда давлатимиз раҳбарининг мустақил мамлакат Президенти сифатидаги илк расмий ташрифлари ёхуд чет эллардан ташриф буюрган хорижий делегацияларнинг мамлакатимизда бўлишига оид хабар, репортаж, ҳисобот ва мақолаларни эслаб, кўз олдимизга келтирсак ҳаммаси яққол ойдинлашади.

Ўша кезлари бу масъулиятли вазифа, асосан, мамлакатимизнинг бош ахборот маҳкамаси - ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) ва Ўзбекистон телевидениеси журналистлари зиммасига тушган эди.

Шу тариқа ўзбек халқаро журналистикаси дунёга келди ва шакллана бошлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Мурод Муҳаммад Дўст, Маматқул Ҳазратқулов, Анвар Жўрабоев, Эркин Аъзамов, Абдуҳаким Турғунов, Қулман Очилов, Ўктам Мирзаёров, Насриддин Муҳаммадиев, Аҳмад Хўжа, Қобилбек Каримбеков, Бобур Алихонов, Комилжон Каримжонов сингари адиб ва журналистлар миллий халқаро журналистикамизнинг тамал тошини қўйган эдилар. Сўнгра улардан кейин иккинчи бир авлод етишиб чиқди. Улар устозлари ишини муносиб бир тарзда давом эттириб, халқаро журналистика соҳасида сермаҳсул қалам тебратишди ва айни пайтда ҳам ижодий жараёнда фаол қатнашмоқда. Булар Амирқул Каримов, Фахриддин Низомов, Гулнора Маҳкамова, Ғулом Мирзаев, Ғофур Жамолов ва ҳоказо. Бугунги кунда эса учинчи авлод вакиллари — Анвар Бобоев, Шерзод Қудратхўжаев, Фарҳод Маҳмудов, Фурқат Санаев, Фарҳод Арзиев, Наврўз Ризаев, Хайрулла Нуриддинов, Собир Турдиев, Анвар Каримов, Беруний Олимов, Нурбек Тошниёз сингари ижодда фаол бўлган ёш журналистларнинг номлари газета ўқувчилари ва телетомошабинларга яқиндан таниш. Қувонарли томони шундаки, бу соҳада қалам тебратаётган ҳамкасбларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда...

Шундай қилиб, истиқлол йилларида ўзбек журналистикасида муҳим бир қирра — миллий халқаро журналистика мактаби яратилди. У муайян камчиликлардан холи бўлмаса-да, муҳими, ана шундай мактаб бугун бизда мавжуд. Гап шу ҳақда кетар экан, миллий халқаро журналистикамиз мактабининг яратилишида ЎзА халқаро журналистларининг ҳиссаси беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳатто бу мактаб айнан ана шу ахборот маҳкамасида яралиб, шакланди ва бугунги қиёфани касб этди, десак муболаға бўлмайди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги ҳам бу соҳанинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётир. Бир пайтлар, яъни собиқ шўролар салтанати даврида ҳатто тасаввур ҳам қилолмаганимиз — ўзбек журналистларининг хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатиши мустақиллик йиллари ҳосилаларининг бири сифатида чин воқеликка айланди. Бу шарафли ва айни пайтда ғоят масъулиятли бўлган вазифа "Жаҳон" ахборот агентлиги ижодкорлари зиммасига тушди. Бугунги кунда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатида "Жаҳон" мухбирлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, қандай жанрда ёзилган бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай журналистик чиқиш муайян саволларга жавоб беради. Р. Киплинг таъбири билан айтганда, янгилик "W" ҳарфи билан бошланадиган бешта, яъни (Who) ким, (When) қачон, (Where) қаерда, (What) нима, (Why) нега ва битта (How) қандай қилиб - жами олтита саволга жавоб бериши керак. Бу биргина янгилик ҳақида ёзилган хабарга қўйиладиган талаб. Халқаро мавзуда қалам тебратиш жараёнида эса муаллиф юқоридаги саволларга, айниқса, "нега", "нима учун" деган саволларга кўп, тез-тез дуч келади. Уларга теран жавоб топиш эса ҳамиша ҳам осон кечавермайди. Чунки халқаро миқёсда юз берган ҳар қандай воқеа-ҳодиса замирида муайян **сабаб**, қандайдир **мақсад** ва ҳатто кимлардир кўзлаган **манфаат** ётади. Буларни теран англамай, ҳис қилмай, яъни асл моҳиятни билмасдан туриб қойилмақом ижод намунасини яратиш мумкин эмас. Юқорида таъкидланган унсурлар — сабаб, мақсад ва манфаат аксарият ҳолларда пинҳон тутилиб, бошқа важ-карсонлар билан хаспўшланади. Бу эса халқаро муносабатларда ёзилган қонунлар билан бирга ёзилмаган тартиб-қоидалар ҳам мавжудлигидан далолатдир. Халқаро доирадаги бугунги давлатлараро муносабатларда уларнинг ҳар иккаласидан ҳам фаол фойдаланиаётганига бутун дунё аҳли гувоҳ бўлиб турибди.

Энди соҳанинг эртанги куни ҳақида. Тўғри, эртага нима бўлишини бугун олдиндан аниқ айтиш ғайриимкон. Бироқ, мамлакатимизда барча соҳаларда кузатилаётган умумий тараққиётнинг бир қирраси сифатида миллий халқаро журналистикамиз ҳам ривож топишига шубҳа йўқ. Лекин яна шуниси ҳам аниқки, соҳанинг эртанги ривожи кўп жиҳатдан бугунги саъй-ҳаракатларимизга чамбарчас боғлиқ. Шу ўринда савол туғилади: хўш, миллий халқаро журналистикамизни бугунги дунё меъёрлари даражасига чиқариш учун нима қилмоқ керак? Бугун ана шу саволга аниқ жавобни топмоғимиз ва имкониятларимиз даражасида амалий саъй-ҳаракатларга қўл урмоғимиз лозим. Қуйидаги айрим таклиф, фикр ва мулоҳазалар ана шу долзарб мавзуга бағишланган.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнини, умуман олганда, халқаро ҳаёт ва халқаро ҳамкорлик мавзусини нафақат мамлакатимиз, балки хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг сифат-савиясини ошириш, бунда изчиллик таъминланишига эришишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакатимизда хорижий тиллардаги, масалан, инглиз тилидаги кундалик ёки ҳафталик газеталар чоп этишни йўлга қўйиш вақти ҳам келди.

Мамлакатимиз бош ахборот маҳкамаси бўлмиш ЎзАни дунёнинг етакчи ахборот агентликлари даражасига чиқариш мақсадга мувофиқдир. Унинг ҳам мустаҳкам полиграфия базасини яратиб, нафақат минтақамиз, балки унинг ташқарисидаги "ахборот бозори"да нуфузини оширишга ҳаракат қилиш керак. Ўз-ўзидан аёнки, қадрлар масаласини ҳал қилмай туриб бу мақсадларга эришиб бўлмайди.

Кадрларни қайта тайёрлаш ҳам жиддий эътибор талаб этадиган масаладир. Хорижий тилларни биладиган, муайян тажрибага эга бўлган халқаро журналистларни дунёнинг гигант ахборот империялари ҳисобланмиш "Ассошиэйтед Пресс", "Рейтер", "Франс Пресс", "ИТАР-ТАСС" сингари ахборот агентликларида, жаҳонга машҳур йирик газеталар таҳририятлари ва етакчи телерадиокомпанияларда узоқ муддатли стажировкаларини ташкил этиш бизга фақат наф келтиради. Ана шундай оммавий ахборот воситаларининг умумий тузилиши, техникавий жиҳозланиши хусусиятларини, ижодий ходимлари иш тажрибаларини яқиндан, зукколик билан ўзлаштириш керак.

Том маънодаги, ҳақиқий халқаро журналист бўлиб етишиш учун ижодий салоҳиятга эга бўлиш, хорижий тилда ўқиб-ёзиб, мулоқот қила олишнинг ўзи кифоя эмас. Журналист бундай сифатларга эга бўлиши баробарида дунё халқаро ҳаётини, халқаро сиёсатни, алоҳида олинган ҳар бир давлат ташқи сиёсатини яхши билиши, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларидан, ҳатто ёзилмаган, аммо ташқи сиёсатда қўлланиладиган тартиб-қоидалардан ҳам етарли даражада хабардор бўлмоғи лозим. Буларнинг ҳаммасини билмай, ўзлаштирмай туриб ҳақиқий халқаро журналист бўлиб етишиш мумкин эмас.

Кези келган экан, айрим оммавий ахборот воситаларимиз иш фаолиятида халқаро меъёрлардан лозим даражада хабардор бўлмаслик оқибатида "қовун тушириб" қўйиш ҳоллари ҳам содир бўлиб турганини айтиб ўтиш керак. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин, бироқ бундан тийиламиз. Азбаройи андиша қилиб, яъни ҳамкасбларимизни ранжитиб қўймаслик учунгина "қовун тушириш" иборасини қўллаяпмиз. Аслида эса, бутун дунё тажрибасидан маълумки, бундай нохуш ҳолатлар бошқача, тўғрироғи, бир қадар жиддийроқ баҳоланади. Оммавий ахборот воситаларининг халқаро муносабатларга оид, хусусан, мамлакатимизнинг муайян хорижий давлатлар билан ўзаро алоқалари (хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий, хоҳ маданий ва ҳоказо) мавзусидаги бирон-бир чиқиши ҳам эътибордан четда қолмаслиги, шундай экан, асоссиз бидирилган фикр ёхуд англашилмовчилик оқибатида йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳеч қачон беиз қолмаслигини унутмаслик керак.

Шу боис халқаро журналистика соҳасида ижод қилувчи оммавий ахборот воситалари ходимларини хорижий стажировкаларга юборишдан аввал уларни дунё мамлакатлари халқаро муносабатларидан, соҳанинг нозик жиҳатларидан хабардор қилиш, яъни маълум муддат уларни ўқитиш, ишчан машғулотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, халқаро журналистлар ана шундай кенг қамровли сабоқни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида, шунингдек, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида олишлари мумкин. Фурсатдан фойдаланиб яна бир мулоҳазани айтиб ўтмасак бўлмас: мазкур марказ бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини бир қадар жонлантирса айни муддао бўлур эди.

Ахборот мустақиллиги деганда, аввало, дунёга ўзимиз ҳақимизда ўзимиз ахборот тарқатишимизни ва дунёдан ахборотни ўз мухбирларимиздан, яъни ишончли қўллардан олишни тушуниш керак. Ҳеч кимга сир эмас: ҳар қандай ахборотда (қандай жанрда ёзилганидан қатъи назар) уни тарқатаётган мамлакатнинг нуқтаи назари, тўғрироғи, шу мамлакат мафкураси сингдирилган бўлади.

Халқаро журналистика мутахассислиги бўйича "Умид" жамғармаси йўлланмаси билан хорижда билим олишга юборилади ган ёшларни нафақат чет тилини яхши ўзлаштиргани ёки бошқа талабларга жавоб беришига қараб, аввало, уларнинг ижодий қобилиятига қараб танлаш керак. Ижодга иқтидори бўлмаган талаба ҳар қанча тарбияланмасин, ундан ижод кишиси чиқмайди.

Халқаро журналистлар тайёрланадиган илм даргоҳларида бўлажак қаламкашларга бевосита амалиётчилар сабоқ бериши тизимини такомиллаштириш керак. Юқори босқич талабаларга халқаро муносабатлар, давр ва умумжаҳон халқаро сиёсат олами мавзуларидаги курслар ўқитилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов XXI аср халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлишини бундан бир неча йил олдин ёзган эди. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Демак, яқинда ўз ибтидосини бошлаган янги юз йиллик ахборот асри бўлади.

Шуҳрат УМИРОВ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси,
Халқаро муносабатлар магистри

Кўнгил

"ШЕЪР ЁЗМАСАМ ТУРОЛМАЙМАН..."

Бу гапни дунёга энди-энди ҳайрат кўзи билан қарай бошлаган ғўр ўспирин йигитча ёинки ширинлик шимиб, бир нималар ёзиб қоладиган қизча ҳаяжонланиб-тўлиқиб айтса, эҳтимолки, вазият тушунарлироқ бўларди: нари борса, ўзингизни андаккина ўнғайсиз ҳис этардингизу, кўзингизни обқочиш билан кифояланардингиз.

Аммо бу эътирофни каттагина ҳаёт тажрибасига эга, анча-мунча раҳбарлик курсиларида ўтирган вазмин, ёши ҳам олтмишлик чўққидан ўтган одам жиддийлик билан айтса, рости гап, анча ўйланиб қоларкансан киши.

Адабиётнинг оҳанрабоси бор деган гапда нечукдир бир ҳикмат бор чоғи.

Бўлмаса, айтайлик, бу одамга нима етишмайди ўзи. Раислик амали, топарман-тутарман фарзандлари бўлса. Обрў-эътибори ҳам ўзига яраша. "Амир Олимхон" лақаби айтилса, бутун вилоят десак лоф бўлар, аммо ярим Самарқанд таниши аниқ.

Бироқ... кўнгил-да, Фармон аканинг ишқи шиғир битишга тушган. Ёшликда берган кўнгил эса, айрилмас бало бўлар экан.

Фармон Худойбердиев биринчи аламли шеърини ҳали мактабда ўқиб юрганида, раис отаси қамалганида ёзган эди.

Сўнг Самарқандда университетнинг кечки бўлимида ўқиб юрган чоғлари ҳам ҳаммадан яшириб ёзаверди. Бир-икки машқлари олтмишинчи йилларнинг бошларида марказий матбуотда ҳам кўриниб қолди...

Фармон Худойбердиев кўп ўқийди. Фурсат топса бас (истаган одам эса албатта имкон топади), қўлига газета-журнал ёки китоб олади. Ўқийверади. Овқат емаса, емайди, мутолаани қўймайди. Шу сабабли матбуотда кўринган ёхуд китоби нашр қилинган шоир-ёзувчи борки, деярли барисини танийди. Сиртдан. Гурунг орасида бемалол фалончи шоирнинг бундан ўттиз йил бурун эълон қилинган шеъридан парча ўқиб бераверишу мумкин. Энг қизиғи, Фармон ака буни оддий ҳол деб билади, бундай чоғлари ўзини жуда жўн-табиий тутадики, ўша асарни билмаганингиз учун асло хижолат чекмайсиз.

Фармон Худойбердиев — ғайратли одам. Автопаркда директор, Пастдарғом туманидаги ўзи туғилиб ўсган колхозда раис бўлган чоғлариям ишга тонг саҳарда чиқиб кетиб, тун ярмида қайтиб келади. Шу ғайратига яраша бошқалардан ҳам сермаҳсулликни талаб қилади: "Ишлагандан кейин қулдай ишлаш керак-да", деб такрорлаб туришни хуш кўради. Ўшандоқ амалдор чоғлариям кўнгли ийиб, бир нималарни ёзаверди, аммо уларни бировга кўрсатишга истиҳола қилди.

Фармон ака адабиётга... асл маънодаги ҳомийлик сабаблари қайтадан кириб қолди, яъни ёзганларини чоп эта бошлади. Яқин беш-олти йилдан буён.

Ҳаммаси Самарқанддан чиққан истеъдодли Уйғун исмли йигитчага баҳоли қудрат кўмаклашиб юришидан бошланди. Раис акамиз йигитчани уч-тўрт бор Тошкентга, турли редакцияларга олиб-кетиб юрди., Уйғунбойнинг булбулнинг тилидай юпқа китоби чиққанда эса терисига сиғмай қувонди. Сўнг тихирлик қилиб туриб олди: "Ёзсанг каттаро-оқ бир нарса ёз-да!" Уйғунбой ҳам ўзини кўп тарозига солиб ўтирмасдан талаба ёшида "Атиргул" деган бир романни ёзиб ташлади. Асар аввал "Ёшлик" журналида, сўнг алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Йигитчадан ўзмаган номард дедими, Фармон ака ҳам охирги уч йил ичида учта китобчасини чиқариб ташлади (Балки кўзингиз тушиб қолгандир: "Истиқлол фарзандиман", "Чўл оҳанглари", "Кўнгил гулчамбари" шеърий тўпламлари).

Янги аср арафасида Фармон ака олтмишга кирди. Пенсияга чиқди. Ишини бир шогирдига топширди. Хурсанд. "Энди ётиб ёзаман", деб кўяди. Сўнг, сизнинг бошқа хаёлга боришингиздан чўчигандай, дарров қўшиб қўяди: "Бизники бир ҳавас-да... "

Фармон аканинг бир орзуси бор экан. Гурунг чоғи беихтиёр оғзидан чиқиб кетди: " Сал салмоқлироқ... бир китоб чиқарсам... "

Орзуйингизга етинг, Фармон ака. Қўша-қўша китоблар чиқаринг. Одамлар ўқисин. Илло, ҳали ҳеч бир халқ китоб мўллигидан шикоят қилмаган. Китоб - тансиқ. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Шундай бўлиб қолар ҳам...

А.ЙЎЛДОШЕВ

Танлов

ГРАНТ СОҲИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Э.Хёрбст Каунтерпарт Консорциум биносида ноҳукумат ташкилотларининг (НТ) мақсадли грант олиш маросимида иштирок этди. АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида ажратган грантлар танловида мамлакатимиздаги энг кучли НТлар қатнашишди.

Маҳаллий ва халқаро экспертлар танловда иштирок этган 80 та ташкилотдан 5 та НТни мақсадли грант ғолиби сифатида эълон қилишди. Булар — Ишбилармон аёллар ассоциацияси (Қўқон), Аёллар ва вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказидаги (Фарғона), "Умидворлик" ногирон болалар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш маркази (Тошкент), "Умид" халқаро реабилитация маркази (Самарқанд) ва "Ибн Сино" педиатрлар ассоциацияси (Бухоро).

Шунингдек, тантанада Каунтерпарт Консорциумнинг Ўзбекистондаги директори Саруш Жавади ва USAIDнинг юртимиздаги раҳбари Джеймс Гоггин ҳам ҳозир бўлди.

Элчи Жон Э.Хёрбст беш ноҳукумат ташкилотни ғолиблик билан қутларкан, уларнинг ва бошқа НТларнинг муваффақиятлари Ўзбекистонда демократия ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнашини таъкидлади.

Дарак

GEF ЛОЙИҲАНИ ҚУВВАТЛАМОҚДА

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Э.Хёрбст ва Ўзбекбошгидрометр раҳбари, вазир Виктор Чуб Ўзбекбошгидрометрга Океанография ва атмосфера миллий агентлиги (NOAA) сунъий йўлдошли ахборотларини олиши учун мўлжалланган ер усти қурилмасини топшириш маросимида қатнашишди.

2000 йилнинг май ойидан NOAA АҚШ Молия вазирлиги, АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) молиявий кўмагида Ўзбекгидрометр ва Ўрта Осиё давлатларидаги бошқа ташкилотлар билан бирга муз ва қор эришидан ҳосил бўлган сувларнинг маълум вақт ичида дарё ва денгизларга қуйилишини таҳлил этиш бўйича ҳамкорлик лойиҳаси устида иш бошлаганди. Лойиҳадан кўзланган мақсад NOAA АҚШда ва бошқа минтақаларда қўллаётган йўлдош тизими ёрдамида муз эришидан ҳосил бўлган сувларни таҳлил этишни яхшилашдан иборатдир. Бу тизимдан Тянь-Шан ва Помир тоғларида қопланган қор ҳолати ҳақидаги зарур барча ахборотларни олишда фойдаланилади.

Тизимнинг асосий компоненти Ўзбекбошгидрометрнинг Тошкентда жойлашган ер усти қабул қилувчи станцияси ҳисобланади. Лойиҳанинг муҳим элементи Ўрта Осиёнинг барча давлатлари ўртасида эркин ахборот алмашинувига эришишда кўринади.

USAID ушбу лойиҳа борасида бошқа донор ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилади. Айниқса, Швейцариянинг Орол денгизи бўйича миссияси, Жаҳон банки, GEF лойиҳаси, БМТ мазкур лойиҳани қўллаб-қувватламоқда.

Ташаббус

CASI – ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Хёрбст Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш Қўмитасига 75 та юқори частотали радиостанция ва бошқа жиҳозларни топширди. Жиҳозларни топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вакиллари ҳам қатнашишди.

"Марказий Осиё хавфсизлиги ташаббуси" (CASI) доирасидаги дастур жиҳозларининг умумий қиймати 300 минг АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур ташаббус ўтган йил апрелда АҚШнинг собиқ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ташрифи чоғида эълон қилинган ҳажми уч миллион АҚШ долларидан иборат АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик дастурининг бир қисмидир. Унинг асосий мақсади — Ўрта Осиёда чегаралар хавфсизлигини яхшилаш.

Ўзбекистонга келтирилган юқоридаги жиҳозлар терроризмга қарши курашда, шунингдек ноқонуний қурол-яроғ ва наркотик моддалар олиб ўтишга қарши курашда фойдаланилади. Ушбу радиостанцияларни ишлаб чиққан Баретт Коммьюникейшнс компанияси вакиллари АҚШ армияси вакиллари билан биргаликда жиҳозлардан фойдаланиш юзасидан ўзбек алоқачиларига машғулотлар ўтказишди.

Бир неча ҳафтадан сўнг Қўшма Штатлар генераторлар, "Note book" компьютерлари ва ушбу жиҳозларни тўлдирадиган бошқа нарсаларни етказиб беради.

Келажакда дастур доирасида келтириладиган жиҳозлар шахсий ҳимоя воситалари, тунги кўриш мосламалари ва бошқа оптик жиҳозлардан иборат бўлади.

Табиат

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Учқурликда отга тенг келадигани йўқ. От бир соатда 70 километр йўл босади.

* * *

Энг узоқ умр кўрган балиқлар ўртасида Япония ҳовузларидан бирида 228(!) йил яшаган карп биринчи ўринда туради. Бу умр — аслида тасодиф. Одатда, балиқнинг бундай тури эллик йилгача яшай олади, холос.

* * *

Сейшель ороллари дан бирида, мана, 168 йилдирки, тошбақа ўлимини кутиб яшамоқда.

* * *

Илонбалиқ бир аквариумда 88 йил умргузаронлик қилган.

* * *

Итнинг умри 15-20 йил. Энг узоқ яшагани эса овчарка саналади. У Австрияда нақд 25 йилу 5 ой умр кўриб, "қариб-чириб" итлар дунёсини тарк этган.

* * *

Отлар ўртасида истисно тариқасида энг узоқ яшагани 1760 йилда туғилиб, 1822 йилда ўз ажали билан ўлган 62 ёшли Қари Билл саналади! От жонивор умрининг 57 йили Англия каналларида бирида баржа (шатакка тушган кема) ташиш билан ўтган.

* * *

Сут эмизувчи ҳайвонларнинг энг катта тўдаси Бракен (Техас) унгурларидаги кўршапалаклар ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси "бор-йўғи" 20000000 дона!

* * *

Энг туғишга ишқибоз жонзот ҳаммага маълуму машҳур ва кўпчиликнинг жонига теккан, уйинг куйгур сичқон экан. Унинг ҳомиласи 25 кунда етилади, бир йўла 6-8 тагача туғади, ниҳоят йилида 17 маротаба "қўзилайди".

АҚШ элчихонаси маълумотномаси асосида тайёрланди

Ажойиб-ғаройиб

КЎЗ ХАЛТАЧАСИДАГИ ЧЎКМА

Инсон дунёга йиғлаб келади ва умри давомида ҳам турли сабаблар билан кўз ёши тўкиши мумкин. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бир кунда ё ҳафтада неча марта йиғлайсиз? Эркаклар бу саволга мийиғида кулиб: "Эркаклар йиғлашмайди. Йиғини аёлларга чиқарган. Сал нарсага "дод-вой"ни бошлашади", деб жавоб беришади.

Хўш, аслида ҳам шундайми? Тўғрисини айтганда, одатда аёллар эркакларга нисбатан кўп йиғлашлари маълум. Балки шунинг учун ҳам улар ожизадирлар. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра аёллар эркакларга нисбатан уч баробар кўп йиғлашар экан. Аёлларнинг йиғиси давомийлиги билан ҳам ажралиб туради. Нидерландиялик мутахассис Н.Фриджениг таъкидлашича, аёлларнинг йиғисини турли туркумларга бўлса бўларкан. Эҳтиросларнинг оловида, қаттиқ "куйган"да, кўнгли бўшлигидан сал нарсага ҳам йиғлашар экан. Бироқ аёллар баъзан бирон-бир мақсадни кўзлаб, айёрлик билан ҳам кўз ёши тўкадилар. Нима, ҳаётингизда шундай ҳолатга дуч келмаганмисиз? Қачондан бери ололмаётган буюмини (хотинингиз) рафиқангиз кўз ёшлари орқали ундирганининг гувоҳи бўлгансиз-ку. Аёллар кўз ёшлари билан қалби тош кишини ҳам юмшатганини кўрганмиз. Чунки бундай кўз ёшларининг эмоционал таъсири кучли бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай усулдан фойдаланишни эркаклар ўзларига ор билишади.

Бу билан "эркаклар йиғлашмайди" дейиш тўғри бўлмас. Голландиялик руҳшунослар йиғлаш юзасидан дунё бўйича тадқиқот ўтказишди. Ушбу тадқиқотда 29 мамлакатдан 4000 эркак ва аёл иштирок этишди. Хўш, тадқиқотлар нимани кўрсатди?

Перулик аёл ва эркаклар йиғи бўйича дунёда 28-ўринни эгаллашган бўлса, болгарияликлар улардан қуйироқда қолишди. Америкалик эркаклар иккинчи ўрин, аёллар эса учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Италиялик эркаклар ойига 1,89 марта йиғлашар экан. Йиғи бўйича турк аёллари пешқадам ҳисобланишаркан. Улар ойига 3,61 марта йиғлашади. Голландиялик аёллар йиғлаш бўйича 6-ўринда бўлишса, эркаклар эса 19-ўринда туришар экан.

Австриялик эркакларни шиша кўнгил десак, янглишмаймиз. Чунки аёллари 19-ўринда бўлишган ҳолда эркаклар учинчи шоҳсупадан ўз жойларини эгаллашди. Австриялик аёллар кўз ёшини бировга кўрсатмайдиган, қатъиятли ҳам чиқиб қолишди.

Ана шунақа хулосалар.

Мутахассисларнинг фикрларига кўра, одам жуда асабийлашган, зўриққан пайтларида унинг асаб толаларидан заҳарли маҳсулотлар қон таркибига сизиб чиқиб, шимилиб, бош мия ярим шарлари пардаларига бориб ўрнашади. Ўша жойда тўпланиб қолган чўкмалар секинлик билан кўз халтачаларига оқиб ўтади. Ана шундан сўнг кишининг кўзидан ёш оқади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кўз ёши икки хил бўлади. Яъни, физиологик ва психологик.

Биринчи ҳолатда инсон танасидаги заҳарли химикатлар кўз ёши билан бирга чиқиб кетади.

Иккинчи ҳолатда эса: юрагингиз сиқилиб, ўзингизни қўйишга жой тополмайсиз. Йиғлай десангиз, кўз ёши йўқ. Танангиз оғирлашиб, кайфиятингиз йўқолади. Кейин эса халтачалар тўлгач, ўз-ўзидан ё бирон нима сабаб бўлиб, йиғлайсиз. Тўйиб-тўйиб йиғлагач, анча енгил тортасиз, қалбингиз равшанлашади. Бу психологик ҳолатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кулсангиз, бор овозингиз, танангиз билан яйраб кулинг. Агарда йиғламоқчи бўлсангиз, бемалол тўйиб-тўйиб йиғлаб олинг. Фақат бу севинч кўз ёшлари бўлсин!

Хориж матбуоти асосида Иззат ЭШБОЕВ тайёрлади



Аэронавтика ва космик фазо тадқиқотлари Миллий бошқармаси маълумотига қараганда ўтган 2000 йилда Марсда сув ҳаракати аломатлари мавжудлиги кашф этилди.

РАҚАМ

2001 йилда Қўшма Штатлар елкасини тоғдек босиб турган қарзининг 237 миллиард долларини тўлаб қутулмоқчи

ВОҚЕА

Ўқишга ошнаб ёиб!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.00
Буюртма — Г - 1042

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ҳамкасб

ҲАЙРАТНИНГ КЎЗИ ҚАМАШМАЙДИ

Катта мамлакатни ҳафтасига бир соат оғзига қаратиб ўтирадиган Наврўз Ризаев ёшлигида ҳечам журналист бўлишни ўйламаган, уям ўзимиздай офицер-разведкачи бўлишни жудаям қаттиқ истаган. Аммо афғон уруши бу орзуни армонга айлантириб ташлади.

Ўн тўққиз ёшли йигитни жанг майдонига олиб бориб ташлаш уни ўлимга маҳкум қилиш билан баробардир ва аслида ҳам Афғонистонда шундай бўлган эди. Аммо ажали етмаган ўлмас экан. Аслида Наврўз олган жароҳатлардан тирик қолиш

қийин, жудаям қийин эди. Аммо бу дунёдан насибаси узилмаган экан — ўлмай қолди. Ҳатто ўлсам жўнатасизлар деб уйига — Ургутга хат ҳам ёзган. Бу хат бегона юртда ўлиб кетиш ёмон бўлар экан деган гаплар билан тугаган. Тўғри, бу хатни сўнг подполковник унинг ўзига қайтариб берди.

О-о, Наврўзни кўп, жудаям кўп парвариш қилишди. Уни кўп шаҳарларда кўп ҳарбий докторлар даволашди. Лекин барибир ўша подполковник... Портиенкони кўп эслайди. Сабаби бундай: ана кетдим-мана кетдим бўлиб ётганда Портиенко Наврўздан: "Нима истайсан?" деб сўрайди. "Қани энди, биров би-ир дона помидор берса!" Аммо мавсуми бўлмаганидан помидор йўқ эди. Лекин орадан уч-тўрт кун ўтиб, биров Наврўзга ўша помидорни олиб келиб беради ва "Подполковник бериб юборди" дейди.

Ўлмас кун бор экан — жароҳатлар битди. Аммо разведкачи бўлиш орзуси билан хайрлашишга тўғри келди. "Мана бўлмаса!" деб Самарқанд университетига ҳужжат топширган эди кириш имтиҳонларидан югуришда ўтиб кетди. Чунки у пайтлар тартиблар бўлакча, талабгор домланинг рўпарасига бориб ўтирар, синов жонли, самимий бўлар эди. Аммо орадан икки йил ўтиб, худди ҳозиргидек, ўшанда ҳам ғайрати кўп бўлганлиги учун ўқишни Грузияга ўтказиб юборди. Қайтага яхши қилган экан — тил ўрганди, халқнинг табиатини билди, юрт кўрди. Наврўзга қўшилиб, гарданига "миниб" олган ўқ парчаси ҳам армонсиз "саёҳат" қилди.

Етмишинчи йиллари Мурод ака (Муҳаммад Дўст) "Олти яшар чол" деган бир ҳикоя ёзган эди. Ҳикоя қаҳрамони нега олти яшарлигида чол бўлиб қолганлиги ҳозир ёдимда йўқ — ўшанда орадан ўттиз йил ўтиб, Наврўз Ризаев ҳақида очерк ёзишимни билмаганман. Аммо бир нарсани биламан — одам қувончдан қаримайди. Шунинг учун бўлса керак, мен доим Наврўзни ўзимга тенг тутганман — ёшимиз ўртасидаги йигирма йиллик тафовут кўзимга кўринмаган. Аммо бу — Наврўзнинг оммавий эътироф этилиши билан ҳечам изоҳланмайди: ҳаммани оғзига қаратиб юрган академикларни ҳам баъзан писанд қилмаслигимни ҳамсуҳбатларимнинг кўпчилиги яхши билишади. Чунки Наврўз биз кўрмаган кунларни кўрган, энг муҳими, бир мамлакат номидан урушга кирган ва...

Эсласангиз — Ўзбекистон Радиосининг "Оқшом тўлқинлари" деган бир соатлик эшиттириши бўлар эди. Наврўзнинг номи ана шу тўлқинда тилга тушди. Интизомсиз тингловчи бўлганлигим учун "Оқшом тўлқинлари" Наврўзга шуҳрат келтирдими ё Наврўз "Оқшом тўлқинлари"га шуҳрат келтирдими, буни аниқ айтолмайман. Бунинг ўрнига Пабло Неруданинг Пикассо ҳақидаги бир гапини келтираман: "Унинг қўли теккан нарса куйлай бошлайди!"

Кўриб турганингиздек, гап санъат ҳақида кетяпти. Санъаткор эса замон ва макондан устун туради. Агар Наврўз "Оқшом тўлқинлари"дан аввалги иш жойи — ЎзАда мухбир бўлиб турганида ҳам биз қўникмаган, аммо интиқ бўлиб юрган мақолалар ёзар, ўзига ҳамманинг эътиборини қаратар эди деб ўйлайман.

"Оқшом тўлқинлари"ни мен ҳозир ҳам соғинаман. Биласизми, унинг ҳатто қўшиқлари ҳам бўлакча, қандайдир оҳорли, самимий эди. Энди ўйласам, эшиттиришнинг ўзи самимий, РОСТ... экан. Бу билан мен бошқалар нуқул ёлғон сўзлайдилар демоқчи эмасман. Йўқ, гап бошқа ёқда. Фикримни англашингиз учун бир ривоят айтаман: Имом Аъзам ҳазратлари муборак жума кунлари шавққа тўлиб ваъз айтар, ҳозир бўлганлар бундан катта барокатлар топар эканлар. Бир қул Ҳазратнинг ҳузурларига бориб, "Қул озод қилишнинг саодати ҳақида ваъз айтсангиз, Хожам зора мени озод этса!" деб ўтинибди. Ҳазрат ваъда беribдилар. Бир жума ўтибди, икки жума ўтибди, Ҳазрат ваъдаларини эсдан чиқарган сингари қул озод қилишнинг савоби ҳақида гапирмабди. Учинчи жума намозидан қайтган Хўжа қулни озод қилибди. Озод бўлган қул Имом Аъзам ҳазратларининг олдига бориб, "Нега биринчи, иккинчи жума кунлари ваъдангизни бажармадингиз?" деганда Ҳазрат "Сен келганингда қулим йўқ эди, сотиб олишга пулим ҳам йўқ эди. Уч ҳафта ишлаб пул топдим ва қул сотиб олдим, уни озод қилгандан сўнг қул озод қилишнинг катта саодат эканлиги ҳақида гапирдим, башарти бу ишни қилмасдан бу ҳақда гапирганимда гапим таъсирли чиқмас, демакки, Хожанг сени озод қилмас эди", деган эканлар. Наврўзнинг самимийлигини тахминан ана шундай тушунмоқ керак — уруш кўрган, бу урушда бир марта ўлиб тирилган одамнинг ҳар нафаси мудом ҳақиқатни айтаверади: Имом Аъзам ҳазратлари ишорат қилган самимийлик йўқ жойда эса йўлбарснинг ҳайқириғи ҳам итларнинг акиллаганига ўхшаб эшитилаверади. Қиёс қўпол чиққанлиги учун эса... ташаккурларимни қабул қилгайсиз!

"Ахборот"нинг бевосита таркибий қисми бўлган "Таҳлилнома" нимаси биландир "Ахборот"дан жудаям фарқ қилади ва бу тафовут биринчи қадамданоқ англашилди. Ўртада унинг бошловчиси меҳнат таътилига чиққан эди, у яна "Ахборот"га ўхшаб қолди (Билиб турган бўлсангиз, бу ерда гап сифат ҳақида кетаётгани йўқ).

Вазифасини мажбурият юзасидан бажариб юрган журналистларнинг жуда кўпини биламан ва уларнинг ҳар қайсиси ҳам ҳар томонлама мутлақо ҳурматга лойиқ одамлардир. Аммо Наврўзни ундай ажойиб инсонларнинг сафига қўшгим келмайди. Чунки Наврўзнинг ҳар кўрсатувидан сўнг нимадир ёзгим келиб қолади — қаёқдандир завқ, қувват пайдо бўлади: Нима, бу — сеҳргарликми, ё?.. Бунинг отини Санъат дейдилар: ҳайратларга тўлган кўз қамашмагани учун ҳам Сизни асир этади — бундай туйғуга офаринлар бўлсин!

Тожиддин РАЗЗОҚ

Репортаж

ВА НИҲОЯТ...

"Икки ҳафталик "строгий" ўқиш" тугади

Олий ўқув юртларида кутилмаганда, январнинг учинчи ўн кунлигида талабалар сони сезиларли даражада ошиб кетди. Пашша учса сезиладиган сокин кутубхоналар яна талабаларни ўз оғушига олиб, нақ шовқинхонага айланди... Парталари чанг босган аудиторияларда, онда-сонда бир-икки кишининг ташрифидан "юраги ёрилгудай хурсанд бўлиб кетадиган" кафедраларнинг совуқ эшиклари олдида чинакамига жўшқин ҳаёт бошланди. Кутубхона жавонлари бўшаб қолди-ёв. Кутубхоначилар талабаларга китоб етказолмай овора. Даста-даста рефератлар, "илмий изланиш"ларни айтмайсизми?

Ўх-ҳў, яхшиям талабалар атиги икки ҳафтагина шундай ЖИДДИЙЛИК билан берилиб ўқишади. Йил бўйи шунақа ўқиса борми, профессор домлаларнинг аҳволига вой деяверинг. Талабалар шаҳарчасидаги "Хазина" дўконида қоғоз ва қисқич савдоси кескин суратда ўсиб кетганидан билаверингки, талабалар ростдан ҳам билимга чанқоқ. Ўз илмий изланишларини "Реферат" нашриётида пешма-пеш нашр қилаётган талабаларнинг фидойи олимлардан қаери кам?

Мана, ҳозир ёнимда тиниб-тинчимас талаба Толмас Тошпўлатов турибдилар. Толмасжон ҳаяжонли лаҳзаларни, хавфли вазиятларни ортда қолдириб, зачётксасини нуқул "беш" билан тўлдириб келаётганда, кутилмаганда орага битта турқи совуқ "уч" тушиб қолибди.

— Сабаб?

— Нима бўларди, "НБ"ларим оёғимдан чалди-да. 20 соат дарс қолдиргансан, дейди.

Мана, ҳозир аудитория ичидаман. 90 чоғли талаба рейтинг асосида синовдан ўтишаётир. Талабаларнинг тўплаган баллари сарҳисоби янада кескин тус олмоқда. Кимдир "НБ"ларга жарима тарзда домланинг китобини сотиб олишга шайланган. Кимдир "уч"ини тўғрилаб, "беш" қилиш ташвишида ўйланган. Ҳа, шунақа, "Рейтинг" дегани 90 та талабанинг ҳам кўнглини овлайдиган усул бу. Эрта-индин "строгий" ўқиш ҳафталиги тугайди, деган хабарлар ҳам бор. Яна, билмадик.

Репортажни Талабалар шаҳарчасидан Қайсар АЛИ тайёрлади

Хизмат

"РУҲИЙ ҚУВВАТ БЕРИШНИ ИСТАЙМИЗ!"

"Оила" илмий-амалий марказининг "Оила психологияси" бўлими "Етим турса олдингизда маъюс дил", "Сизга айтар сўзим бор... (Никоҳ ёшидаги турмушга чиқмаган қизларга)" каби турфа мавзулардаги фойдали маслаҳатлари билан Сизга ҳаёт жараёнида бўладиган ҳолатларга нисбатан муносабат, ўзини тутиш, иродани бошқара билиш, ҳаётда ўз ўрнини топа билиш, оилада оила аъзоларига, ота-онага, қариндош-уруғларга, дўстларга, устозларга нисбатан муомала, яхшини ёмондан ажрата билиш, инсондаги нозик ҳис-туйғуларни ардоқлай билиш, уларга содиқ қолиш, оила қуриш, фарзандларга нисбатан муносабат, инсоний бурчга нисбатан содиқлик каби хислатларни шакллантиришда ёрдам беришни ният қилди.

Марказ тушкунликка тушган биродарларимизга далда бериш, уларни азобларга чидаб, сабр қилишга даъват этиш, уларга руҳий қувват беришни ўзининг масъулиятли бурчи деб ҳисоблайди. Шунингдек, ота ёки онаси ҳаётдан кўз юмган болаларда кузатиладиган руҳий ўзгаришлар, ана шу жиддий ўзгаришларни бошидан кечираётган болага атрофдагиларнинг муносабати ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин.

Истасангиз, 45-18-68 ва 45-18-39 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг.

Тақдир

ИККИ ЭРТА БИР ХОТИНМИ?

"Ёзилмаган фельетонлар" туркумидан

ШИКОЯТЧИ "ЎРТОҚ"

Бурунги "Қизил Ўзбекистон" редакциясида Комила опа Юмаева иккимиз бир хонада ўтирардик (опамиз ҳозир пенсияда). Ҳали иш бошланганича йўқ, газета варақлаб, навбатдаги топшириққа ўзимизни чоғлаб ўтирардик. Хонага қирқ беш-эллик ёшлар ўртасида бўлган гавдали, яп-алоқ юзли, кенг пешонали, чап қўли йўқ бўлса керак, енги осилиб турган, кўринишидан деҳқондан кўра кўпроқ дурадгор усталарга ўхшаб кетадиган бир киши кириб келди. Орқасидан ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги дуркунгина, қора кўз, қора қош, бутун вужудидан ёшлик таровати, беғубор латофати ёғилиб турган, қишлоқча кийинган, тортиниброқ турган бир қиз ҳам кўринди.

Саломлашдик, ўтиришди.

— Менга ўртоқ Тўхтабоев керак эди, — деди у киши негадир энтикиб.

— Ўртоқ Тўхтабоев мен бўламан, — дедим мен ҳам ўша кишининг оҳангида.

"Ўртоқ" сўзига ҳар иккимиз ҳам алоҳида урғу бердик. Нега десангиз, ўша пайтларда ўртоқ деган сўз илоҳий бир атамадек жаранглади. "Ўртоқ" сўзини қўшиб мурожаат қилсак, бамисоли ҳар қандай мушкул иш ҳам ўз-ўзидан битиб кетаверадигандек эди. Айниқса, расмий идораларда бу сўзсиз мурожаат йўқ эди, ҳисоб. Ҳатто эр-хотинлар ҳам эрим ёки хотиним дейишдан тортиниброқ туришар, кўпинча "турмуш ўртоғим" дейишга мажбур бўлишарди.

— Бу — қизим, — деди ҳалиги киши ҳамон нафасини ростлай олмай.

— Яхши, — деб кўйдим.

— Арз билан келувдик.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Бешта боласини қолдириб хотиним қочиб кетди.

— Йўғ-э!

— Бир аблаҳ обқочиб кетди уни... Ана қизимдан сўранг.

— Милисияга мурожаат қилмадингизми?

— Эл-юрт олдида шарманда бўлдим, бош кўтариб юролмай қолдим. Шуни фельетон қилиб ёзиб чиқинг, мухбир ўртоқ.

Билсам, бу кишининг исми Тўражон экан, ўтиролмаяпти, гоҳ ўрнидан туриб кетади, гоҳ ем ўтирган столни дурадгорларникига ўхшаш гурзидек катта мушти билан уриб-уриб кўяди, ручка-ю қаламдонлар ўйноқлаб кетади.

— Ҳар қалай, органга мурожаат қилганингиз яхшимиди? — дейман яна.

— Йўқ, уни топганимдан топмаганим яхши, топилса, иккивиниям ўлдириб кўяман, мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдираман! Мен кўчага чиқолмай қолдим, ҳў ўртоқ!

Қизгинанинг кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди. Дўмбоққина қўллари билан юз-кўзларини беркитиб, бир зумгина бошини эгиб турди-да, кейин шошилиб ташқарига чиқиб кетди. Комила опа икковимиз кўз уриштириб олдик. Икковимизда ҳам қизга нисбатан ачиниш ҳолати бор эди.

Тўражон эл-юрт олдида тўкилган обрўйини ҳимоя қилишимизни сўраб, қоғоз папка тўла ҳар хил ҳужжатлар қолдириб кетди. Эр-хотин икковларининг ЗАГС қоғози, ўғил-қизларининг туғилиш гувоҳномалари, ЗАГСдан ўтган куни биргаликда тушган бир неча суратлар, маҳалла аҳлининг ҳар хил гувоҳликлари ёзилган хатлар... Комила опа суратларга узоқ тикилиб: "Хотини ёшлигида чиройлигина эмас, ғоят гўзал қиз бўлган экан, бай-бай-бай, кўзларнинг чарақлаб туришини қаранг", деб қўйди.

Беш болани ташлаб қочиб кетиш, бу ўз-ўзидан бўладиган ҳолат эмас. Уша пайтда онанинг қалбидан нималар кечди экан? Эҳтимол, Тўражон тушуниб етмаган, тушунишни зинҳор истамаган аллақандай бир сир бўлиши керак. Ҳар қандай шароитда ҳам она ўз боласидан ҳеч қачон кечмайди, ўзидан кечиши мумкин, лекин фарзандидан воз кечолмайди, ахир.

Воқеани ўрганишга қарор қилдим. Тўражоннинг ҳовлиси шаҳардан унча узоқ эмас, ўша даврдаги шалоқ автобусларнинг тўхтаб-тўхтаб юриши тезлиги билан ўлчайдиган бўлсак, икки соатлик йўл экан. Шинамгина ҳовли, ҳовли олдида хў наригача чўзилиб кетган мевали боғ, олмалар ғарқ пишган, ишкомдаги сарғайиб пишган тоифи, ҳусайни узумлар қани мени есанг-чи, дея силкиниб турганидек... Миришкор одам экан, деган фикр ўтди кўнглимдан.

Фельетоннинг материалини ўрганишу уни ёзишдан қийини йўқ. Бири иккинчисидан машақкатли. Судьяларга осонроқ деб ўйлайман, бир томонда қораловчи, бир томонда оқловчи, икки томонни тинглагач, ўртачасини танлайди кўяди. Аммо фельетончи бўлса бир вақтнинг ўзида ҳам оқловчи, ҳам қораловчи, ҳам ҳакамлик ролини ижро этади. Кошки эди, масала шу билан поёнига етган бўлса, йўқ, кетидан гоҳо шунақанги машмашалар бошланиб кетадики, э худойим, фельетончини ўзинг эҳтиёт қилгин деб дуо ўқиган пайтларинг бўлади.

Ишни ўрганиш бир кунда поёнига етмади. Эртасига, ҳатто индинисига ҳам бордим. Шикоятчининг редакцияга бирга келган қизи бўрсиллаб турган жиззали нон ёпди, ўн беш ёшли ўғли бор экан, қиймали мастава пиширди, Тўражон иккимиз оз-оздан мусаллас ҳам ичиб олдик. Ўғил-қизларининг кўзи менда, худди кетиб қолган оналарини мен бугуноқ олиб келиб берадигандек, умидвор тикилишади, мўлтиллашади, вой уларнинг кўзидаги мунгу ғамни кўрсангиз, айниқса, кенжа қизи, қўғирчоқдеккина экан, кўчага чиқсам — кўчага, боққа чиқсам — боққа орқамдан эргашади, қани энди мен бирор нарса сўрасаму, у дарҳол муҳайё қила қолса... Раҳмим келади, ачинаман.

ҚОЧГАН КИМУ, ҚУВГАН КИМ?

Ниҳоят, калаванинг учини топгандек бўлдим. Энди ипнинг узилган жойи қайда-ю, тугуни қайда? Мана шуниси топилса бўлди!

Қочиб кетган аёлнинг исми Ҳуринисо.

Олиб қочиб кетган кишининг исми Муслимбек.

Икковлари ҳам шу қишлоқда яшаган, қўшни бўлишган, бир мактабда, бир партада ўтириб ўқишган, бир далада мол боқишган, бир арикдан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичишган, оқизоқлар ўйнашган, ҳў олисдаги яйловларда бирга-бирга гул теришган. Никоҳ тўйлари бўлган куни Ҳуринисо ўн олти ёшда, Муслимбек ўн етти ёшда бўлган. "Хоҳладим"га — ЗАГСга борган кунлари суратга тушишган. (Сурат ҳалигача сақланиб турибди, Муслимбек курсида ўтирибди, сочларини майда ўриб, бошига чамандагул дўппи кийиб олган Ҳуринисо тик туриб қўлларини Муслимбекнинг елкасига ташлаб олган). Никоҳ тўйидан сўнг уч кун бирга бўлишган, ҳарбий комиссариатдан вакиллар келиб, ёш куёвни аскарликка олиб кетган. Машъум уруш айни авжига чиққан бўлишига қарамай, иккиларнинг бир-бирларига хат ёзишиб, изҳори дил қилишни ҳеч тўхтатишмаган... Кейин Муслимбек Иброҳимбеков қаҳрамонларча ҳалок бўлди деган мазмунда қора хат келган.

ҲУРИНИСО КЕЛИН БЎЛИБ ТУШГАН УЙ

Ҳуринисо келин бўлиб тушган боғ-ҳовлида Муслимбекнинг ёлғиз онаси билан яшай бошлаган, отаонаси, опалари ҳарчанд қисташса ҳам қизлик уйига қайтмаган. Муслимбекнинг онаси менинг ҳам онам, уни ёлғиз ташлаб кетмайман, деган. Ҳамширалар курсини битириб, касалхонага ишга кирган. Гарчи қора хат келган бўлса ҳам ёшликда берган кўнгил қизга куч бағишлаган, чидам берган. Муслимбегини сабрсизлик билан кутган, "Хоҳладим"да бирга тушган суратларини кечалари бағрига босиб ётаркан. Урушдан сўнг ҳам яна ва яна кутган. Муслимбекнинг онаси тўсатдан оғирлашиб қолиб, қизгинам, мен кетадиганга ўхшайман, энди эрга тегақол, ичкуёв бўладиганини топ, мана шу уйда яшайсизлар, чироғимни ёқасизлар, деган.

Ҳуринисо бир қўли йўқ Тўражонга турмушга чиқади. Йигит ичкуёв бўлиб келади. Ёмон киши эмас экан, Муслимбекнинг онасини эъзозлаб кўмади, маъракаларини яхшилаб ўтказади, унинг бу қилмишидан эл-юрт хурсанд бўлади. Серғайрат, тиниб-тинчимас Тўражон баҳорга чиқиб, нураб қолган молхона, омбору эски уйларни бузиб, янгисини қуради, Ҳуринисо келин бўлиб тушган, Муслимбек билан қўшилган уйни буздирмайди, никоҳ куни тўшалган кўрпа-ёстиқлару кийилган кийим-бошларни эҳтиёт сақлаб, шу уйга қулф илдиради. Гоҳо-гоҳо яширинча кириб, темир сандиқчасини очиб, бирга тушган суратларига узоқ тикилади, урушдан тумордек учбурчак бўлиб келган хатларни ўқиб хўрсинади, негадир Муслимбек билан бўлган никоҳ қоғозларини сандиқчанинг энг тубига беркитиб, жуда эҳтиёт сақлайди, нега бундай қилаётганига ўзи ҳам тушунмас экан.

Тўражон билан ўн саккиз йилдан буён яшашаётган экан, беш фарзанд кўришибди, яхшигина уй-жойлар қилишибди, эл-юрт ўртасида тузуккина обрў ҳам орттиришибди. Лекин тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан кучли бўрон турибди-ю, ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборибди... Худо ҳар бандасини ана шундай кунлардан сақласин экан...

Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

(Давоми келгуси сонда)

Шикоят

АРЗНОМА

Кимга ҳазил, кимга чин

— Етиб маълум ва манзур бўлғайким, Лавҳи маҳфузда, Халлоқнинг иродати бирлан, жаннат отлиғ, боғи эрамдан бадарға этилғон аҳли Шайтони лайин қавмидан деб билғайсиз.

Мазкурани рақам қилғувчилар, Шош отлиғ кентнинг Чорсу мавзеида мақомат бўлмуш, эт бозоринда (гўшт) бандаларни тўғри йўлдан оздириб иштобунда (вазифасида) камарбасталиккa сафарбар этилғон эрдук. Ибтидосинда бул юмуш, кўп заҳматталаб бўлуб туюлуб эрди. Яъниким, эт сотувчи, тарозибон, устихон тарашлоғувчи бандаи ожиз ва ожизаларға панд бериб, ҳаромлик ботқоғига етаклаш муддао эрди. Таассуфким, иш интиҳосинда бозорнинг тор йўлакларинда беишликдин, ўпкосин қўлтиғига қистириб, зир юғурган авомга тўғаноқ бўлмоқликдин ўзга коримиз қолмади.

А.Қаҳҳор отлиғ адиби калон рақам этганидек, "сичқон тутмайдиган пишак ҳам одамнинг кўзига ёмон кўринар эркан".

Ишсизликдин, ўз-ўзимизга, ангиз (кўп) хунук ва ожиз кўруниб фаромуш бўлдук.

Катта бир бозор бўлса-ю, шайтонга иш топилмаса?! Наинки, эмди енг шимориб эмгакка тутинсак, ажабтовур чаққонлар бизни пештахтага чиқариб қўймушлар.

Баччағарлар, юз тавалло бирла, халлоқнинг (худо) номини юз бор зикр айлаб, карра-карра қасам ичиб, така этини қўй эти деб, харидорнинг хуржунига босиб турибдилар. Бу ерда иш топмагач, тарозибон қошиға вобаста бўлдук. Воажабким, тарозибон ҳам 5 қисм этни 7 қисм дея сотувчидан чақа олиб, олувчига пешкаш қилур. Акбар (катта) корда бул сифат зироатлар жоиз эркан деб, ўзга растага юзландук.

Абушқаларни (аёлларни) бунда бисёрлиғидан қулоқ тишладук (Шайтонда ёқалик қўйнак бўлмас).

Сабил бўлиб (касал) ўлғон борму, ориқ-турқ юрғон борму, солиб қора (катта) жомошовға (тоғора) туйнугидан увада (қийма) чиқориб мақтаймақтай сотибдурлар. Ғуддамизнинг (бошимизнинг) туки диккайиб, кўзларимиз лўққайиб, ўзимизнинг манзил маконимизга, яъниким ҳар турлик ҳайвон чиқиндилари остинда панох топмоқ истагинда эт бозорин яқосиндаги (четида) муҳмал (ташландиқ) маъвомизга рихлат ўлдук. Мақсудимиз, бизга устозлик мақомига етушғон зотларнинг, уқбога (жаннат) тиқилғон кўзларидин панох топмоқлик эрди.

Таассуфким, емаклик макруҳ этилғон ҳайвонларнинг нимарсалари (аъзолари) аллақачон тарозуда тортилиб, хуржунга тушиб, ақчаси санаб олинибдур. Алқисса, ташландиқ хобхонамиздан ҳам фориғ бўлибмиз.

Ахири, бул жамоанинг қозиси борму, дея тўрт тарафга путрадук (тарқалиш). Қиёмат куни бирла қасамки, алҳол қозига ҳам утру (юзма-юз) бўлдук. Қозига арзимиз шу эрдиким: бизларни бенасиб қилғонларни банди зиндон айлаб, ҳалолни-ҳаромдин, покни-нопокдин, харидорни-киссабурдин муҳофаза айлаб, дорулқазога еткурсин.

Нолаи надоматлар бўлсунким, бул кабунитдагилар (кабинет) "Увол бўлади", деб тухум емай, "дори бўлади", деб товуқ ейтурғанлардан чиқиб қолди. Бул пулкорларнинг (ишбилармон) қулоғига бизнинг арзимиз бир томонда турсин, Исрофил алайҳиссаломнинг сурнай овози ҳам кирмас эрди. Дажжолнинг номи бирла қасамким, Лавҳу маҳфузда мазкураларга сажда қилмай хўб мақбул йўлни танлабмиз.

Гапнинг интиҳосинда, сўровимиз булдурким, биз каби забун бўлғон Шайтони лайинларни Чорсу бозоридан бўшатиб, бошқа ишга машғул этсинлар. Токим биз ҳам Халлоқ қаршисинда мулзам бўлиб қолмай, ўз-ўзимизга наф бўлатурғон юмуш бирлан овора бўлсак.

Шайтони лайин қотига имзо чекувчилар ва (13 нафар) панжарагулчин имзолар. Ҳижрий 10... шаъбон ойининг 3...си.

Шайтон лафзидин туркийга тўғтарувчи: Жўра МАҲМУД

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси "Ўзбекистон овози" ва "Голос Ўзбекистана" газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Норбобо Шакаровга онаси Умида ая ЯХШИЛИҚОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОВОЗИ
Бу йил ёз иссиқ келармиш

МИНҒИР—МИНҒИР
Машинангда бўлса нўмир TV, UZ, Йўлда юрмоқ тартибини истаганча буз!

Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири

ЮРАГИМ ОҒРИШИН СИЗГА АЙТМАДИМ

ҚОРНИНГ ЁҒИШИНИ ТАСВИРЛАШГА УЧ УРИНИШ



1

Хаёлларми сўзлашар
Пичир-пичир, беозор?..
Учқунлаган зиёга
(Аммо рақси зиёда)
менгзаб ёғаяпти қор.

Ёғмоқда суза-суза,
Гоҳ айланиб, гоҳ учиб.
Қишдан кўнгилга
кўчиб,
Минг шакл туза-туза
Кўнгилни олар қўшиб.

Қандай оппоқдир олам —
Тоза, гўзал, мукаррам.
Эшикни очиб бу чоқ,
Тўхтаб қоламан узоқ —
Қорга қўёлмай қадам.

2

Қор ёғди йирик-йирик,
Қор ёғди лайлак-лайлак,
Қор ёғди тирик-тирик —
Бунча тириқдир, кўриб —
Чидай олмайди юрак...
Ҳавони кесиб-кесиб,
Деразага урилар
Чархнинг узилган тори.
Юрак-бағримни эзиб,
Кўкрагимда уринар
Бу оқ чолғунинг зори.
Қор ёғар учиб-учиб,
Қор ёғар аста-аста,
Қор ёғар кўчиб-кўчиб,
Қор ёғар ўчиб-ўчиб —
Мен маст бўлдим бирпасда!
Дунё қўшиққа тўлди!
Ундан бир ун олишга,
Парвардигор, журъат бер...
Таслимман!.. Тамом кўндим
Музларингда ёнишга!..
Оқариб бормоқда ер.
Оқариб бормоқда ер...

3

Қор ёғади узукун,
Қор ёғади узун тун,
Қор ёғади — узун мунг,
Ёғади маҳзун-маҳзун:
Менинг ҳушиму ўнгим,
Менинг бечора кўнглим —
Учади учқун-учқун.
Нонимгаю ошимга,
Биттагина бошимга,
Тупроғимга, тошимга,
Тентираган лошимга,
Сиғмай ғамгин нисбатга,
Қор ёғади қисматга —
Энг яширин ёшимга.
Йўқотгандай эсини,
Қор ёғади эзилиб.
Кўз ёш каби узилиб,
Кўнглим борар бузилиб.
Борлиғу йўқсизликка,
Ёғар йўл-йўлсизликка —
Бор умримга чўзилиб.
Кунларимга ёғар қор,
Йилларимга ёғар қор.
Юракларимни йиртган —
Унларимга ёғар қор.
Руҳим дунёни тутган —
Гарчи баҳорим бекор.
Куз чоғи мезон бўлган,
Тўкилган, хазон бўлган,
Хоҳликка равон бўлган,
Бир умр армон бўлган —
Сўзларимга ёғар қор,
Ўзларимга ёқар қор...
Жисму жон қорга тўлган —
Мадад бер, Парвардигор!..
Қор ёғар, дунё оқар,
Вақт ошкор қанот қоқар...
Мен ҳам қордай эрийман —
Қисмат жимгина боқар.
Анов печда эринмай
Дунё умримни ёқар.

* * *

Юрагим оғришин сизга айтмадим,
Умрнинг ҳоришин сизга айтмадим.
Дунё айланишин билардингиз сиз,
Бир кузда қолишин сизга айтмадим.
Айтмадим — ўртаниш етди сўнгакка,
Етмадим ўзимга ўзим кўмакка.
Бу ҳоли харобим сизга айтмадим —
Кузга киргим келди бир ўзим якка.
Бу кузда жону тан — бир тола ипак,
Ҳилпираб турибди елда — жонсарак.
Бирга узилардик ҳамма кузакда,
Бу йил маним учун ёлғиз бир кузак...
Инсонга қисматнинг озори йўқдир,
Умр савдосининг бозори йўқдир.
Сизсиз киргим келди бу кузга якка...
Энди бу кузимнинг баҳори йўқдир.

* * *

Омон қолдирмайди бошпанасизларни
бу қаҳратон.
Чумоли қаердасан?

Қушларнинг қаноти бор —
учиб кетдилар. Қўраларда кавшанар —
сомонга тўйган сигирлар. Кўршапалаклар
зулмат тарқатувчи чироқлардай
ғорнинг шифтларига осилган.
Одамлар иссиқ уйларида
телевизор кўрарлар.

Чумоли қаердасан?
Етти қават ер остида овозчанг келар.
Тирикмисан? Кимдан ўрганай
бу қаҳратондан омон қолмоқни?
Қушданми?
Мана бу молларданми?
Кўршапалакданми?
Ёхуд... сен каби
етти қават ер тагига кириб кетсаммикин
бу қиш ўтиб кетгунча?

Ёхуд мана бу дарахт каби
қорга кўмилиб, қиш ўртасида турмоқ
маъқулдир?

Ёки баҳор бўлайми шу қишда —
бемаҳал баҳор?

Ҳамма қарғайдиган баҳор бўлайми?

* * *

Менинг дардларим тошқин...
Тошганда сўзга очдим.
Мен кимману, бу ёш ким —
Қай кўздан оқдик ногоҳ?
Дунё кўксимда жимдир,
Жимлиги менга камдир,
Бу дунё ҳам бир шамдир —
Шамдан учқунман, э воҳ!
Дунё узун садодир,
Руҳим унга садодир,
Шеър аччиқ "оҳ" — нидодир,
Ботинга тушгач нигоҳ.
Фиғонимдан кўчган шаҳд,
Кўкка етмади — бебахт.
Осмон-ку, етти қават,

Мен неча қават, Аллоҳ?